

# АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ – МАНГУ БАРҲАЁТ



O'zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil

7-may  
payshanba

№ 14 (4452)

# Postda На посту

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan /

Web-site: www.postda.uz /

E-mail: info@postda.uz

ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

## ХОТИРА – АЗИЗ, МАРДЛИК – АБАДИЙ

Биз барчамиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз, кўп-миллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак.

Инсоният жуда кўплаб фожиаларни ўз бошидан ўтказди. Ўзга юрларни босиб олиш, бутун дунёга ҳукмронлик қилиш истаги ортидан келиб чиққан мислсиз босқинчиликлар, зўравонликлар, кўз кўриб қалб йиғлаган қирғинбаротлар, миллионлаб беғуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлган урушлар... Кўхна тарих гувоҳ бўлган ана шундай даҳшатли воқеалардан бири, шубҳасиз, Иккинчи жаҳон урушидир.

(Давоми 3-бетда).

Шавкат МИРЗИЁЕВ



## Сардобажон, ортингда Ўзбекистон турибди!

Офат келса кўш келар,  
Деганлари ростмиди?  
Халқим, тождор вирусдан,  
Кўрганларинг озмиди?

Кўз тегдими ва ёки,  
Меҳрли куёшингга.  
Бугун бу офат тушди,  
Сардобажон бошингга.

Тақдирнинг қанча-қанча,  
Синовини кўрганмиз.  
Қаҳатчилик, урушнинг  
Оловини кўрганмиз.

Барини бир мушт бўлиб,  
Енганмиз, чиниққанмиз.  
Бирлик шиори билан,  
Соғу омон чиққанмиз.

Бугун ҳамма елкадош,  
Бир тан, бир жон турибди.  
Сардобажон, ортингда  
Ўзбекистон турибди!

Жаҳонгир ШАРОФБОВЕВ.



ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ

## «ОФАТ ЁПИРИЛГАН ПАЙТНИ СЎЗ БИЛАН ИФОДАЛАШ ҚИЙИН»

Хамма уйкуда бўлган, тун ўз пардасини йиғиштириб атрофга ёруғлик знаётган бир пайтда Сардоба тумани ИИБ ХПБ профилактика инспектори, катта лейтенант Отабек Бегматовнинг телефони эрталабки сукунатни бузганча асабий жиринглади. Бу пайтда соат миллари 4:30ни кўрсатиб турарди. Ўта масъулиятли, куннинг ҳар қандай вақтида хизматга тайёр туришга ўрганган Отабек дарров яшил тугмани босиб, телефонни қулоғига тутди. Негадир, бирдан ранги оқарди, жойидан сапчиб туриб кетди. «Хўп бўлади» деди-ю, кийимини апил-тапил кийганча ташқарига отилди.





## ▼ ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

## МЕХНАТДАН ЗАВҚ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ

Жорий йилнинг 26–28 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Жиззах вилоятида бўлиб, коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ва томорқаларда агротехник тадбирларнинг бажарилиши ҳамда бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар сифатини ўрганиш ҳамда мазкур жабҳаларда кузатилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тавсияларини берди. Генерал-лейтенант Пўлат Бобононов бу жараёнда кўплаб омилкор деҳқонлар, хусусан, томорқадан унумли фойдаланаётган мирзачўллик Мирсалоҳиддин Ҳамидов билан ҳам учрашди.

...Саратонда ҳам дарахт кўчатини кўчириб ўтказиш мумкин. Бунинг учун ниҳолдаги баргли новдалар кесиб ташланади ва кўчатга тез-тез сув куйиб турилади. Шунингдек, ниҳол япроқ чиқаргунча соя остида бўлиши керак.

Дарахт қатор орасидан яхши ҳосил учун эса оралик экинни иложи борича барвақт экиш зарур. Токи дарахт барглаб, соя соладиган даражага етгунча оралик экин кўёш нурларига тўйиниб олсин.

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги Ипак йўли

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилган. Қахрамонимизнинг болалиги урушдан кейинги йилларга тўғри келгани боис, аксар тенгдошлари қаторида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Отаси эрта вафот этгани сабаб, онаси билан бирга эртаю кеч далада меҳнат қиларди. Эътиборлиси, уларнинг оиласи бир парча томорқадан йилга етгулик маҳсулот олишининг уйдасидан чиқарди.

Мирсалоҳиддин ўрта мактабни тугаллагач, тақдирининг тақозоси билан 1961–1963

одамлар ишончи ва ҳурмати-ни қозонди. Асосийси, қайси экин майдонига эгалик қилса, ўша ердан юқори ҳосилдорликка эришилди. Айтганча, у фермер хўжалиги фаолиятини ҳам юритди.

Бу хизматлари учун 5 та орден ва медал билан мукофотланган. Жумладан, 1990 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонига сазовор бўлди. 1996 йилда эса «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Айни вақтда Мирсалоҳиддин Ҳамидов пенсияда, деҳқончилик соҳасида тўплаган узоқ йиллик тажрибасини томорқасини ривожлантиришга йўналтиряпти.

Таъкидлаш жоизки, Мирсалоҳиддин Ҳамидовнинг ҳовлиси 19 сотихни ташкил қилади. Лекин отахон уйи теварагидаги зовур ва йўл бўйларини ўзлаштириш ҳисобига фойдаланаётган ер майдонларини йилдан-йилга кенгайтириб бораётди. Яна ҳам аниқроғи, 2 сотихлик иссиқхонасида 35 туп лимон етиштиряпти. Боғида 220 туп анор, 43 тупи тўла ҳосилга кирган, 100 тупи энди мева беришни бошлаган ёнғоқ, 200 туп ўрик, гилос, беҳи, олма, хурмо, бодом, кедр ёнғоғи каби мевали дарахтлар бор. 4 сотих майдонини эса тоқзор эгаллаган.

Ана шу дарахтлар орасидаги 10 сотих ерда ошқовок, 8 сотих ерда помидор, 10 сотих ерда картошка, 3 сотих ерда булғор қалампирини ундирилган. Бундан ташқари, пиёз, бодринг, саримсоқ пиёз ва турли кўкатлар экилган. Уйи рўпарасидаги ҳовуз ва уни ўраган толлар атрофга салқинлик, кўнгилга сокинлик



бахш этади. Йўл бўйидаги 300 туп денгиздек чайқалиб турган мирзатераклар ҳам отахонга тегишли. Шунингдек, у ҳар йили 500 минг дона помидор кўчати етиштиради. Йўл ёқасидаги 60 сотих жойга буғдой ҳам эккан. Ортиқчасини бозорга чиқариш ҳисобига ўтган йили 45 миллион сўм соф даромад олганлиги унинг ерга меҳр берганлигидандир.

Дарвоқе, отахон ёшига нисбатан 10–15 йилга ёшроқ кўринади. Бу, ўзи айтмоқчи, ерга меҳрнинг, тинимсиз жисмоний ҳаракатнинг натижаси. Бобо фарзандларининг фаровон ҳаётини ҳам ер билан боғлайди.

— Мирсалоҳиддин Ҳамидов мен фаолият кўрсатаётган ҳудуддаги уста деҳқонлардан бири, — дейди Мирзачўл тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими таянч пунктлари профилактика инспектори, катта лейтенант


Фулмон Аҳмедов. — У «Ипак йўли» қишлоқ фуқаролар йиғини ахлдан ёрдани аямайди. Жумладан, отахонга тегишли «ДТ-25» мини тракторида кўпчиликнинг томорқаси ҳайдалмоқда. Бундан ташқари, жорий йил унинг ташаббуси билан қишлоғимизга 1,5 километр ердан сув тортиб келинди. Мазкур ариқ, яна 30 гектар томорқани сув билан таъминлаш имконини берди. Бу ишга туманимиз ҳокими техника ажратиш билан ҳисса қўшган бўлса, элимиз ҳашар уюштирди. Мирзачўл тумани фермерлари отахоннинг пахтачилик ва галлачилик борасидаги тажрибасидан ҳам унумли фойдаланмоқдалар, улар уста деҳқондан тез-тез маслаҳат олишади.

Айтганча, бу йил отахон 4 сотихлик иссиқхона қуришни режалаштирган. Банкдан 30 миллион сўм кредит олиши билан ишга киришмоқчи.

**P.S.** Бугун коронавирус пандемияси туфайли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, вилоятда Мирсалоҳиддин Ҳамидов сингари томорқани барака манбаига айлантирганлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётди. Бу эса халқ дастурхонининг тўқинлиги ва бозорларда нархларнинг барқарор бўлишига хизмат қилади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» муҳбири.  
Жиззах вилояти.

**Суратларда:** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобононов ва уста деҳқон Мирсалоҳиддин Ҳамидов.



маҳалласида яшовчи 76 ёшли Мирсалоҳиддин Ҳамидов билан суҳбатлашгудек бўлсангиз, деҳқончиликнинг бу каби кўплаб сирларидан воқиф бўлишингиз тайин. Яна шунини биласизки, отахондаги деҳқончиликка оид билим ва тажриба қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик ҳалол ва чин дилдан қилинган меҳнат самарасидир.

Дарҳақиқат, Мирсалоҳиддин Ҳамидовнинг ҳаёт йўлига қизиқадиган бўлсангиз, кўз ўнгингизда ҳақиқий дала заҳматқашининг тақдирини жонланади. У 1944 йилда

йилларда Тожикистоннинг Исфара шаҳридаги касб-техника билим юртида нефть санюати мутахассислиги йўналишида таълим олди. Ўқув муассасасини тамомлагач, геология-қидирув соҳасида бурғуловчи бўлиб ишлади.

Мирзачўл ўзлаштира бошлангач, аниқроғи, 1971 йили чўлга келиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятини бошлади. Ишчи, механизатор, бригада бошлиғи, агроном, бош агроном вазифаларида фаолият кўрсатди. У қайси вазифада ишлагани, ўз касбининг устаси сифатида

## МУНОСИБ РАҒБАТ

Ватанга садоқат билан хизмат қилаётган ички ишлар органи ходимларининг ҳар бирининг хизмати алоҳида эътирофга лойиқдир. 1981 йил Навоий вилоятининг Навбахор туманида туғилган ҳамда кунни кеча Ички ишлар вазирининг буйруғи билан мuddатидан олдин «майор» унвонига сазовор бўлган Шерзод Санакуловни бугун Навоий вилоятининг шарафига айланган жасоратли фарзанди, десак муболаға бўлмайди.

У 2011 йилдан буён ички ишлар органи тизимида фаолият юритиб келади. 2012 йилдан буён бугунги кунга қадар Навоий вилояти марказидан 235 км узоқликда жойлашган Конимех туманининг олис чўл ҳудуди ҳисобланган қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош «Учтепа» ОФЙда профилактика катта инспектори лавозимида ишлаб келмоқда.

«Учтепа» ОФЙнинг маъмурий ҳудуди 230 минг

794 гектарни ташкил этиб, бугунги кунда 7 та аҳоли пунктида 2255 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Профилактика катта инспектори Ш. Санакулов самарали хизмат фаолияти давомида овулдаги жиноятчиликларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатди. Аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашни доимо ўз ҳаловатидан устун қўяди. Хизмат бурчига сидқидилдан, виждонан ёндашади.

Жамиятда ўз ўрнини топиши билан бирга, оилада 3 нафар фарзандини комил инсон сифатида вояга етказиб келаётган Шерзод Санакулов сингари юрт ҳимоячилари бор экан, Ватан тинчлиги ва осийишталиги барқарордир.

**Ўқтам УСМОНОВ,**  
лейтенант.  
Навоий вилояти.






МУНОСАБАТ

# ХАЛҚНИ СИНОВЛИ КУНЛАР БИРЛАШТИРАДИ

Бугун халқимиз турли офатларга қарши курашишда, уларни енгишда янада жипслашиб, бир куч бўлиб бирлашмоқда. Бу ҳақда куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулдда ҳодисалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида алоҳида тўхталиб ўтди.



– Халқимиз бу синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мана, «ойнаи жаҳон» орқали кўрпачилар, халқимиз янада бирлашиб, ўзининг меҳр-оқибати, бағрикенглиги, буюк саховатини ҳар куни, ҳар дақиқада намоён этмоқда. Буни Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидан кўчирилган фуқароларнинг 81 фоизини Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари аҳолиси ихтиёрий равишда ўз хонадонларига жойлаштиргани ҳам аққол кўрсатиб турибди, – дея таъкидлади Юртбошимиз.

Йиғилишда мамлакатимизда бўлган карантин чораларини босқичма-босқич энгиллатиб бориш, айрим чекловларни юмшатиш борасида ҳам фикрлар айтиб ўтилди. Хусусан, эпидемиологик вазият яхши бўлган ҳудудларда, санитария талабларини белгиланган ҳолда, ноозик-овқат дўконлари, тиббий диагностика, такси хизмати, таъмирлаш, тикувчилик, маиший техника ва пойабзал тузатиш шохобчалари, сар-

тарошхоналар фаолиятига рухсат бериш кераклиги қайд этилди. Лекин, коронавирус тўла бартараф бўлмагани сабабли, одамлар кўп тўпланадиган жойларда жумладан, театр, концерт ва спорт заллари, тўйхоналар фаолияти ҳамда жамоат транспорти бўйича чекловлар маълум муддатгача сақланиб қолади.

Шунингдек, йиғилишда эпидемиологик вазият яхшилангани сари чекловларни бекор қилишни давом эттириш баробарида, вазият ёмонлашса, карантин чоралари қайта тиклиниши ҳам қайд этилди.

Таъкидлаш лозимки, карантин даврида аксарият корхоналар фаолияти вақтинча тўхтатилди, кўплаб одамлар ишсиз қолди. Шунинг учун ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, уларга имтиёзлар бериш борасида кўрсатмалар берилди. Корхоналар барқарор ишлаб кетиши учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қув-

ватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди.

Ота-боболаримиз кулфат келса қўша келади, дейди.

фавқулдда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 минг нафарга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинганини, уларга биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-

Бундан ташқари, йиғилишда эндиликда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тўғоннинг барча дамбалари чуқур экспертизадан ўтказилиши, кучли ёгингарчилик сабабли эрозия юзга келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва

Бунга коронавирус бало-сидан тўла қутулиб бўлмай туриб, халқимиз кейинги бир ҳафтанинг ўзида кетма-кет қутилмаган синовларга дуч келгани яққол мисолдир. 27 апрель кечаси Бухоро вилоятида юз берган оғир табиий офат, 1 май куни Сирдарё вилоятидаги «Сардоба» сув омборидаги техноген вазият халқимиз учун яна бир синов бўлди, дейиш мумкин.

Юртбошимиз кучли шамол натижасида Бухоро вилоятида юзга келган зарарни бартараф этиш, аҳолига ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхтади.

– Бугунгача 70 фоиз ижтимоий объектлар, 20 фоиз аҳоли хонадонларининг томи ёпилди. Шунингдек, 5 минг километр электр тармоқлари, 1 минг 100 та трансформатор таъмирланиб, 286 минг аҳолининг электр таъминоти тикланди. Яқка тартибдаги уй-жойлар ҳам таъмирланмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Сардоба сув омборида содир бўлган

кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилганини таъкидлади. Сув тошиши оқибатларини бартараф этиш ва сабабларини ўрганиш бўйича Ҳукумат комиссияси ишлаётганини қайд этиб, бу ҳудудлардаги одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш кераклигини ўқтирди.

Афсуски, ушбу фалокат оқибатида 4 нафар фуқаро ҳалок бўлди, 1 нафари бедарак йўқолди. Президентимиз Миллий гвардия ходимларининг жасорати барча касбдошлари ва ёшлар учун Ватанга, халқимизга фидо-корона хизмат қилишининг намунаси бўлиб қолишини таъкидлаб, ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдирди.

Юртбошимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, холис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланганини алоҳида қайд этди. Тергов якунлари бўйича барча айбдорлар қонун олдида жавоб бериши таъкидланди.

ГЭСларда текширув ишлари олиб борилиши айтиб ўтилди.

Афсуски, Сардобадаги офат натижасида ён қўшнларимиз – Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктларини ҳам сув босди. Давлатимиз раҳбари ҳукуматимиз, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар қозоғистонлик ҳамкасблари билан табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилишни, керакли ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

Дарҳақиқат, халқни синовли кунлар бирлаштиради. Бунга бошига қанчадан қанча синовлар келганда ҳам энгилмаган, бир-бирига доим елкадош бўлган, Президентимизнинг саъй-ҳаракатларига қўшқанот бўлаётган бағрикенг юртдошларимиз мисолида яна бир бор амин бўлдик.

Фозил МАМАШАРИПОВ,  
«Postda» мухбири.

АВЛОДЛАР ЭЪТИРОФИ

## БОБОЛАРНИНГ ИБРАТ ЙЎЛИ



Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада бошқа давлат ва миллатлар қатори, халқимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жанггоҳларга жўнатилган навқирон йигит-қизлар, фронт ортида мадонатор меҳнат қилган кишилар шулар жумласидандир. Шу боис юртимизда уруш билан боғлиқ хотиралари мавжуд бўлмаган оила бўлмаса керак. Албатта, уларнинг порлоқ хотирасини ёдга олиш, мангу жасорати ва машаққатли меҳнатини кўрсата билиш авлодлар зиммасидаги бурчдир.

Менинг бобом, яъни онамнинг отаси Турдимурат Торев ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, у 1923 йили туғилган, 1943 йилда эса

армияга қақирилган. 2-Белоруссия армияси таркибидан жангга қирган бобом ўқчи бўлиб хизмат қилади. Жанггоҳларда кўрсатган жасоратлари туфайли бир қанча медал ва орденлар билан тақдирланган. Германия ҳудудидаги жанглардан бирида оёғидан оғир ярадор бўлганлиги боис бир қанча муддат госпиталда даволаниб, сўнгра Узоқ Шарқдаги япон милитаристларига қарши курашади.

Уруш тамом бўлгандан сўнг туғилган юртига қайтиб, муҳандислик қилади. Ойимнинг айтишича, бобом урушни эслашни унчалик хушламас, ўша қиргинбарот давр хотираларига қайтишни ҳам истамас экан.

Тўғри, инсон ўзида оғир таассурот қолдирган кунларни эслашни

ёқтирмайди. Жудоликлар, вайронагарчиликлар, ғам-аламлар олиб келган Иккинчи жаҳон урушининг халқ учун нақадар оғир бўлганлигини ва нима учун бобом бундай қилганини тушунагандек бўламан.

Албатта, бобомнинг беаёв жангларда иштирок этиб, оловли йўллари босиб ўтгани, бир томондан, менда фахр ҳиссини уйғотса, иккинчи томондан, бизга ибратдир. Зеро, «Эр йигит Ватан учун туғилади» дегаң гап бежиз айтилмаган.

Мен ҳам Ватанимга ҳалол хизмат қилишни, келгусида боболарим каби юрт тинчлигини ҳимоя қиладиган инсон бўлишни хоҳлайман.

Жасурбек ИСМАЙЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Қорақалпоқ академик лицейининг  
1-курс ўқувчиси.



## ЗЕМЛЯ – КОРМИЛИЦА

# ОТДАЙТЕ ЛЮБОВЬ ЗЕМЛЕ, И ОНА ОТВЕТИТ ВАМ ВЗАИМНОСТЬЮ

Богатый урожай огурцов, помидоров и зелени на своем приусадебном участке собирает инспектор профилактики махалли Чумчулки Самаркандского района лейтенант Мунис Алиматов.

Еще в детстве родители привили сыну любовь к земле, труду. Отец учил его окучивать картофель, правильно ухаживать за растениями, фруктовыми деревьями.

В 2017 году выпускник военного факультета Бухарского государственного университета начал службу в рядах органов внутренних дел в должности инспектора профилактики. В ноябре того же года М. Алиматову выделили служебный дом с небольшим приусадебным участком.

– В свободное время занимаюсь посадкой саженцев, ухаживаю за посевами, – говорит инспектор профилактики Мунис Алиматов. – Полученный урожай уходит на нужды семьи. Излишки выращенных фруктов и овощей стараемся раздавать малообеспеченным семьям, проживающим в нашей махалле.

Несомненно, рациональное использование находящихся в частном владении земельных участков имеет важное зна-

чение для повышения уровня жизни и благосостояния семей. Эта мысль прозвучала в ходе видеоселекторного совещания, которое состоялось 14 апреля под председательством Президента Шавката Мирзиёева и было посвящено обсуждению актуальных задач сельского хозяйства Узбекистана.

Инспектор профилактики из соседней махалли, Ражабамин, лейтенант Шухрат Назаров на личном опыте доказал, что, рационально используя небольшой приусадебный участок, можно прокормить семью и получить дополнительный доход.

– В нашей махалле проживают 4 800 человек. Практически нет малообеспеченных семей, а все потому, что в каждом дворе имеется участок, на котором выращиваются овощи, фрукты, зелень, – говорит лейтенант Шухрат Назаров. – Когда ко мне приходят люди и сетуют на проблемы с приобретением продуктов, овощей и фруктов, я завожу их в свой двор и рас-

сказываю, как можно получить богатый урожай на небольшом приусадебном участке.

Инспектор профилактики перенял секреты ухода за землей у отца, который ежегодно выращивал по 15 тонн картофеля, реализовывал его на рынках, получая неплохой доход.

– На своем участке я посадил 300 саженцев помидоров и столько же огурцов. В июне планирую получить урожай – около ста килограммов овощей, – рассказывает Ш. Назаров. – Хочу соорудить теплицу, которая будет приносить дополнительный доход в семью.

Отметим, что с учетом сложившейся ситуации в этом году первоочередной задачей должна стать двух-трехразовая посадка культур и получение дополнительного урожая на всех приусадебных участках. Глава государства поручил уделить внимание сооружению компактных теплиц, бурению артезианских скважин в махаллях, где имеются проблемы с водоснабжением, поставкам выращенной продукции на внутренний и внешний рынки.

На совещании отмечалось, что владельцы приусадебных участков, пользующиеся ими неэффективно, получают официальное предупреждение, а к тем, кто не станет выращивать культуры и после предупреждения, будет применяться повышенная ставка земельного налога.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент «На посту».  
Самаркандская область.



## УРОЖАЙ САМ НЕ ВЫРАСТЕТ: ЗА ПОСЕВАМИ НУЖЕН УХОД

Каждый, кто живет в сельской местности, хорошо знает, что приусадебный участок может накормить семью. А для этого необходимы ежедневный труд, уход за посевами.

В Булакбашинском районе мир и покой граждан, стабильный общественный порядок охраняют 26 территориальных инспекторов профилактики. 23 из них живут в служебных квартирах – коттеджах, при которых обязательно имеются небольшие приусадебные участки. Каждый инспектор профилактики находит время для того, чтобы полить всходы, взрыхлить землю. В этом им помогают супруги, которые в основном смотрят за домом и детьми.

Инспектор профилактики ОП ОВД № 131 Булакбашинского РОВД старший лейтенант Нуриддин Юлдашев обслуживает территорию махалли Кумгузар, в которой проживают более 4 500 жителей. На вверенном участке расположен коттедж, в котором живет инспектор профилактики.


– У нас небольшой участок, – рассказывает Гулолахон, супруга Нуриддина Юлдашева. – Мы выращиваем картофель, чеснок, помидоры, огурцы, зелень. Ничего на базаре не покупаем.

Естественно, одно лишь наличие приусадебного участка еще ничего не значит. С ранней весны и до поздней осени нужно много и кропотливо работать. Не зря говорят: лето зиму кормит.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент  
«На посту».

На снимке: инспектор профилактики Булакбашинского РОВД старший лейтенант Нуриддин Юлдашев с супругой Гулолахон на приусадебном участке.

**Фото автора.**  
Андижанская область.



## АСПЕКТ ВЗАИМОПОМОЩИ

## ГУВД г. Ташкента: не быть безразличным к чужой беде



В нынешний трудный период борьбы с коронавирусом сложнее всего приходится одиноким пожилым людям, ведь они сталкиваются с массой трудностей. Некоторые в силу своего возраста и плохого самочувствия не могут следить за чистотой и порядком в доме, другие сидят без продуктов питания и лекарств, так как некому их купить и принести.

Недавно инспектора по вопросам женщин ОПП УКД ОВД Мирабадского района совместно с военнослужащими Национальной гвардии, активистами махалли Байналминал и работниками банка навестили жительницу этой махалли, 80-летнюю Прасковью Михайловну Матреничеву. Она инвалид второй группы, живет в антисанитарных условиях. Дома нет санузла, природного газа, окна

разбиты, полы сгнили, требуется капитальный ремонт. Прасковья Михайловна нуждалась в социальной и медицинской помощи.

По инициативе УПП ГУВД столицы и ответственных сотрудников УКД ОВД Мирабадского района в рамках проекта Xavfsiz Yordam (Безопасная помощь) пожилой женщине вручили пластиковую карту с начисленным на нее миллионом сумов, а также помогли

Прасковью Михайловне получить направление в дом-интернат «Саховат» для одиноких престарелых и инвалидов, чтобы она могла получать квалифицированную медицинскую помощь. Стражи правопорядка совместно с неравнодушными спонсорами оказали практическую помощь в улучшении ее жилищных условий.

Сегодня сотрудники ГУВД г. Ташкента не только следят за соблюдением правил карантина, но и, следуя правилу: «не быть безразличным к чужой беде», стараются оказать посильную помощь тем нашим согражданам, кто в силу возраста или из-за болезни, слабо нуждается в помощи и поддержке.

**Соб. корр.**





ОСТАВАЙТЕСЬ ДОМА

## ВОИНСКОЕ МИЛОСЕРДИЕ

В махалле Исломобод города Андижана проживает 2 109 семей, из них 20 – малообеспеченные, 21 – нуждающаяся в социальной поддержке.



Военнослужащие войсковой части № 7553 командования Караульными войсками МВД Республики Узбекистан всегда оказывали помощь малоимущим и нуждающимся гражданам. Воины – частые гости Кургантепинского дома-интерната для детей-инвалидов. Без их внимания не остаются и постояльцы дома престарелых «Саховат».

На днях военнослужащие войсковой части, которой руководит

подполковник Эргашбай Турабаев, посетили малообеспеченные семьи и семьи, нуждающиеся в социальной поддержке, проживающие в махалле Исломобод. Воины посетили также одинокого пенсионера Учкунбая Сиддикова, которому недавно исполнилось 82 года, и инвалида первой группы подполковника в отставке Руслана Исаева. Им были вручены продуктовые наборы, средства гигиены.

– От всей души благодарю навестивших меня военнослужащих, – отметил Учкунбай Сиддиков. – Я ни в чем не нуждаюсь, но оказанное внимание дорогого стоит. Спасибо, наши защитники Родины!

– У меня на глазах наворачиваются слезы, – сказал инвалид первой группы подполковник в отставке Руслан Исаев. – Это слезы радости от того, что меня помнят, обо мне заботятся. Спасибо!

– Народу Узбекистана присущи доброта и милосердие, – заметил заместитель командира части по воспитательной работе подполковник Суннат Каримов. – В войсковой части стало традицией оказывать помощь больным и немощным. Мы воспитываем в наших воинах патриотизм, доброту и милосердие и испытываем огромное чувство удовлетворения от того, что смогли помочь нуждающимся.

**Борис ВЛАДИМИРОВ,**  
корреспондент  
«На посту».

*На снимке: военнослужащие в гостях у инвалида первой группы подполковника в отставке Руслана Исаева.*

**Фото автора.**

*Андижанская область.*

КАРАНТИН

## ПРЕСЕЧЕНО НЕПОДЧИНЕНИЕ СОТРУДНИКАМ

Ограничительные меры и усиление режима карантина нередко приводят к недовольству граждан. В связи с этим люди в погонах сталкиваются во время несения службы с угрозами и оскорблениями в свой адрес.

На днях водитель автомобиля «Дамас», следовавший из махаллы Юкори Кайнама Самаркандского района в Самарканд, не имея никаких оснований, пытался проехать через 24-й контрольно-пропускной пункт.

Увидев инспекторов ППС, попытавшихся остановить его, водитель решил скрыться, не справился с управлением и врезался в грузовик.

Самаркандский районный административный суд приговорил нарушителя к 15 суткам административного ареста.

Еще один факт. 29-летний житель махаллы Юкори Жуш Кошрабадского района в состоянии алкогольного опьянения оскорбил сотрудников органов внутренних дел в момент несения службы.

В районное отделение ОВД с жалобой обратился председатель махаллы Юкори Жуш. Он просил вернуть водопроводные трубы, которые самовольно выкопали и унесли домой местные жители. Расследование показало, что преступление совершил гражданин Т. Ш., 1992 года рождения. Когда сотрудники ОВД направились к нему домой, чтобы разобраться в сложившейся ситуации, в процесс вмешался 29-летний Х. Н. Он устроил скандал. Разбирательство продолжилось в Кошрабадском РОВД, куда гражданин Х. Н. был доставлен блюстителями порядка. Нарушитель нецензурно выражался, оскорблял сотрудников и оказывал физическое сопротивление. В результате он сломал дверь и рамы комнаты временного содержания. Прокуратура Кошрабадского района возбудила уголовное дело в отношении гражданина Х. Н. по части 3 статьи 277 и части 3 статьи 140 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В ходе рейдов, проведенных сотрудниками правоохранительных органов в Самарканде, были привлечены к ответственности более 5 тысяч граждан, не имевших защитных масок, 281 человек, беспричинно передвигавшийся на скутерах и велосипедах, 59 молодых людей были оштрафованы из-за групповых прогулок по городу.

**Соб. корр.**

*Самаркандская область.*

АКТУАЛЬНО

## Никакой паники и ажиотажа!

На днях зашел в один из столичных супермаркетов – нужно было прикупить кое-каких продуктов для дома. Покупателей немного, нет толкотни и суеты. Особо порадовали два обстоятельства, которые пришлись, словно бальзам на душу, в условиях тотального нашествия коронавирусной инфекции.

Первое, подавляющее количество покупателей были в масках или респираторах. Второе, никакой паники и суеты, при том, что дефицита продуктов не наблюдается, скорее, наоборот, очевиден их переизбыток. Никто лихорадочно не скупает товары, не создает панику и ажиотаж. Все берут по мере необходимости, с уверенностью, что продуктов достаточно, и завоз осуществляется по мере их реализации.

Коронавирус коварен, его цепная реакция распространения угрожающа – чтобы



заразить тысячи людей, достаточно одного больного, скрывшего поездку за рубеж или сбежавшего из карантина.

Мне трудно судить о том, какие чувства испытывают те, кому пришлось оказаться

в контролируемых карантинных условиях. Очевидно, кто-то их переносит легко, воспринимая ситуацию как данность, другим кажется, что они находятся под своеобразным арестом, неизвестно за какое преступление. Но

сбежать, чтобы обрести «желанную свободу», при этом став потенциальным источником передачи вируса, в данных условиях – преступление. Известно, что побег из карантина подпадает под уголовное наказание, и для этого, как видим, есть очень веские причины. Ныне за побег из карантина назначается реальный срок наказания. Но самое главное, что из-за непредуманных действий некоторых наших соотечественников могут пострадать многие-многие люди...

Нашему народу не раз приходилось проходить тяжелые испытания. Выстоим и в этот раз.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**  
корреспондент  
«На посту».



ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

# ҚАЛБДАН ЎЧМАЙДИГАН ХОТИРАЛАР

Иккинчи жаҳон уруши етказган қалб жароҳатлари ҳали кўнгилдан ўчгани йўқ. Ўчмайди ҳам! Биз-ку, уруш зарбалари ҳақида оталаримиздан эшитиб, киноларда томоша қилиб, асарлар ўқиб таассуротга эгамиз. Бевоқиф жонқорларда иштирок этиб, Ватан учун жанг қилиб, тинчликда ўтган ҳар бир дақиқанинг қадрини юракдан англаб, кўз олдида сафдошининг жон беришини кўрган, бир сиқим она тупроқ ҳидига зор бўлиб, қон кечганлар учун дориламон кунларнинг қадри янада улугвордир.

Бобом Маҳмуд Бобоҳонов (охиратлари обод бўлсин) Иккинчи жаҳон уруши жангқорларида қатнашган. Беларуссиянинг Витебск вилояти Городок шаҳарчасини немис фашистларидан озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ва шу шаҳарчадаги биродарлик қабристонига дафн этилган. У Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида бувамнинг фаол иштирок этгани, ҳашарчиларни маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун Тамараҳоним, Ҳалимаҳоним каби санъатимиз даргалари бориб концертлар беришгани, шу кезлари бувам қиз фарзанд кўрсам, исми Ҳалима қўяман деб ният қилганини бувим раҳматли гапириб беради.



Онам – Ҳалима Маҳмудова 1940 йил туғилган. Эндигина 1 ёшга кирганида оталари фронтга кетиб, 1944 йилнинг февраль ойида ҳалок бўлган экан. Лекин уни қаерда кўмилгани тўғрисида маълумот бўлмаган. Урушдан қайтиб келган бир ҳамқишлоғи уни Беларуссия ерида бўлиб

ўтган жанглардан бирида вафот этгани, ўрмонзорда бошқа аскарлар қаторида кўмилганини айтиб берган холос. 90-йилларда онам архивларга мурожаат этиб, отасининг қаерда кўмилгани тўғрисида маълумот топган бўлса-да, лекин у ерларга бора олмаган. 2010 йил май ойида Беларус Республикасининг Витебск вилоятидаги бувам кўмилган биродарлик қабристонига бориб, зиёрат қилиш насиб этган.

Отам Убайдулла Холмухамедов (охиратлари обод бўлсин) эса 1924 йилда Тошкент шаҳрининг Ялангоч мавзесида кўп болали оилада туғилган. Оилада 11 фарзанд бўлишган. Уруш йиллари «Чкалов» заводи Тошкентга эвакуация қилинганида, механик ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашган. Заводда ишлаган пайтларида Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов билан бирга ёш ҳаваскорлар тўғрагига қатнашган экан. Отелло ролини галма-гал ижро этишган. Бу ҳақда отамдан кўп эшитгимиз. Зикир Муҳаммаджонов отам оламдан ўтган, маъракаларига келганида ўша



пайтлардаги хотираларини сўзлаб берган эдилар.

Отам уруш бошланганидан кейин, 1942 йилда фронтга отланган. 1945 йилда ғалабадан сўнг, уйга орден ва медаллар билан қайтган.

Бувим раҳматлининг айтишича, катта амаким Аҳрор Муҳамедов ҳам салкам 6 йил урушда бўлиб, ғалабадан сўнг уйга эсон-омон қайтиш насиб қилган.

Отам урушдан кейинги йилларда Тошкент шаҳар ИИБга ишга кириб, турли лавозимларда хизмат қилган. Мирзо Улуғбек тумани ИИБда қўриқлаш бўлими бошлигининг ўринбосари, кейинчалик

шаҳар ИИБда кадрлар бўлимида хизмат қилиб, 1976 йилда майор унвонида нафақага чиққан. Лекин пенсияда ҳам уйда кўп ўтирмай, умрларининг сўнгги кунларигача Тошкент шаҳар ИИББ Тиббиёт бўлимининг ходимлар билан ишлаш бўлимида салкам 20 йил ишлаган. 2001 йилда эса оламдан ўтдилар.

Отам уруш йилларида Берлингача бориб, 4 та тилни билгани учун таржимонлик қилган экан. 1994 йилда укам Германия давлатида аскарлик бурчини ўташ учун совет кўшилари таркибида хизмат қилишга юборилган пайтда, Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан отамни Берлинга тақдир этишганлигини, отам у ерга бориб, катта таассуротлар билан қайтиб келганини бизга кўп гапириб беради.

Дарҳақиқат, Ватан озодлиги, миллат ҳурлиги, эл тинчлиги ва осовишталиги йўлида қанчадан-қанча ота-боболаримиз жасорат ва матонат кўрсатишган. Зеро, бундай умрлар мангуликка дахлдордир.

Бернора САДИКОВА,  
полковник.

## ҚАҲРАМОН БОБОМ БИЛАН УМРБОД ФАҲРЛАНАМАН

Хотира фақат яшаб ўтилган кун эмас. Унда бизнинг соғинчимиз, армонларимиз яшайди.

Хотира ҳар бир одамга сабоқ, хулосалар беради...

Бугун осойишта, дориламон замонда, ҳаловат ва фароғат қўшиқда ҳаёт кечираётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари – кекса отахону онахонлари бор хонадон эгаларига ҳавасим келади. Беихтиёр, бобожонимнинг меҳрибон сиймоси кўз ўнгимда жонланади.

Бобом Мирсоат Файзиев ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди, кўксини жуда кўп орден-медаллар безаб турарди. Украинанинг Одесса, Керчь, Киев, шунингдек, Россиянинг Сталинград, Москва шаҳарларини фашизм балосидан озод қилиш учун бўлган жангларда бир неча бор оғир ярдор бўлган. Госпиталларда даволаниб, урушнинг сўнгги кунигача жон олиб, жон берган. Ўша дахшатли урушда қўлидан оғир жароҳат олиб, ногирон бўлиб қайтган.

Ёдимда, ойнаи жаҳонда уруш ҳақида фильмлар намойиш қилинса, бобом уларни киприк қоқмай кўрарди, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Дадам акаларим, укаларимга ўйинчоқ автомат совға қилса, бобом нимагадир жудаям маҳзун тортиб қоларди. Бир гал дадамга: «Бо-

лаларни бундай ўйинчоқлар таъсирида улғайтирма», дея танбех бергани ҳамон ёдимда.

Бобом ноннинг увоғини ҳам жуда эъзозларди, гоҳо хира тортган кўзлари билан пайпаслаб бўлса-да, дастурхондан пастга тўкилган урвоқларни увол бўлишини истамай териб оларди ва бизга ҳам: «Уволдан кўрқинлар», деб панд-насихат қиларди. Онам дастурхонга тортган нонлар салгина суви қочган бўлса, «Юмшоқ нон ейман!» деб хархаша қилса, бобом дарҳол ўзига қўйилган нонни бизга беради, ўзи эса санокли тишлари қолган бўлишига қарамай, ўша – суви қочган нонни роҳатланиб ерди.

Ўшанда бола қалбим билан бобомнинг бу хатти-ҳаракатларини англаб етмаган бўлсам-да, уларнинг тагида не-не изтиробли, оғир ва

машаққатли кунлар захри борлигини, мана, энди юрак-юрагимдан ҳис қилаялман...

Бобом ўз ҳаёти ҳақида биз, набираларига жуда кўп гапириб беради. Болалигида етим қолгани, очарчилик, уруш азоблари, ундан кейинги оғир даврлар... Яқинларининг урушда ҳалок бўлгани...

Тўғриси, мен бобомнинг сўзларини доимо ҳаяжон билан эшитардим. Ўзимча хулосалар чиқарардим. Одамларга яхшилик қилишни, атрофдагиларга эътиборли бўлишни, энг асосийи, Ватанни севишни, тинчликнинг қадрига етишни мен бобомдан ўрганганман.

Уруш кўрган, ҳаётнинг оғир-енглигини елкасида кўтарган, умрини фақат яхшиликка бағишлаган инсон, қаҳрамон бобом билан бир умр фаҳрланаман!



Хотира майдонидаги Мотамсаро она сиймосига ҳар гал қараганимда, чексиз қайғуга чўмган Онаизор тимсолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдирини, уларнинг соғинч ва изтироб туйғуларини туяман. Ишдан кеч қолсам, йўлларимга кўз тикиб ўтирган онамининг нигоҳлари кўз олдимга келади. Иккисини тенглаштириш учун ўзимда журъат топа олмаيمان. Бугунги дориламон, тинч ва фаровон юртда яшаётганимга беадад шукроналар келтираман. Шундай беназир Ватан, осойишта, тинч ва фаровон ҳаётимиз янада гўзал бўлмоғи учун бир фуқаро, бир фарзанд сифатида бундан-да фидойироқ, бундан-да самаралироқ фаолият юритишга аҳд қиламан...

Назаримда, бу ниятларимга суюкли бобожоним ҳам дуо қилиб, оқ йўл тилаётгандек туюлади...

Адолат ФАЙЗИЕВА,  
«Postda» мухбири.

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ: РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

Ўзбек халқи ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам катта ёрдам берган. Чунончи, 1943 йили уларга 13 858 500 сўм пул, 1 308 400 кило озиқ-овқат, 20750 кийим-бош, 40000 кубометр ёқилғи, 73500 пуд ғалла, 10000 бош қўй, 2000 бош қорамол топширилган, 350 уй қуриб берилган. Шунингдек, Ўзбек халқи Россия, Украина, Беларуссия, Молдавия ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатди. Жанг бўлаётган ҳудудлардан кўчирилган бир миллион киши бошпана, кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминланди. 200 минг етим боланинг талай қисмини ўзбек оилалари ўз қарамоғига олди, фарзандларидан кам кўрмай тарбиялади.





ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА



Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалаба бе-аёв курашлар, миллионлаб қурбонлар эвазига келганлигини яхши биламиз. Шу билан бирга, меҳнат fronti иштирокчилари ҳам ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Бинобарин, улар ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаб, фронт учун қурол-яроғ, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бердилар.

Ана шундай меҳнат fronti қаҳрамонларидан бири қорақалпоғистонлик Раушан ая Самарканова бўлади.

## «ШУНДАЙ ОҒИР ДАВРДА ЯШАГАНМИЗ, ИШЛАГАНМИЗ»

У 1931 йили Кўнғирот туманининг чекка қишлоқларидан бирида, оддий колхозчи оиласида дунёга келди.

– Мен туғилган йиллар йўқчилик даври эди, – хотирлайди қаҳрамони-миз. – Шу боис мактабга анча кеч борганмиз. Энди ўқишга киришган пайтимиз эса урушнинг машъум хабари тарқалди. Овулимиздаги кўпчилик эркаклар урушга қақирдилди. Отам Самаркан Науризов соғлиғи туфайли урушга олинмади, аммо 1942 йили меҳнат fronti батальонига жалб этилиб, Челябинск шаҳридаги танк заводида ишлашга жўнатилди. Оилада ойим, мен ва укам Жақсилик қолдик.

Эрталаб мактабда бир-икки соат ўқиғач, ҳамма ўқувчилар далага чиқарди. Катталардан «ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» ширини кўп бор эшитганмиз, улар билан тенг ишлашга ҳаракат қилардик. Чунки ғалабага эришсагина, оталаримизнинг қайтиб келишига, бемалол ўйнашимиз, ўқишимиз мумкинлигига ишонардик. Бунинг учун эса куну тун меҳнат қилиш зарур. Бизга куч-ғайрат ато этган омиллардан бири ҳам айнан шу истакларнинг юқорилиги бўлса керак, менимча.

Раушан аянинг эслашича, ўша йиллари ёғингар-

чилик кўп бўлиб, баҳорда сув тошиб кетиш ҳолатлари тез-тез рўй берган:

– Шундай пайтлари бизни ҳам сувни тўсиш учун олиб чиқишарди. Биз, болалар бир қатор бўлиб тизилиб турамыз, қўлимиздаги матога бир белжуракдан тупроқ солиб беришади, ундан ортигини кўтара олмаймиз ҳам, шуни дамба тепасига олиб чиқамиз. Бу суволди тўсиғи тайёр бўлмагунча давом этарди.

Шунга қарамасдан, 1943 йили туманимизнинг айрим ҳудудларини сув босди, шу қатори бизнинг овулимиз ҳам сув остида қолди. Овул аҳолиси бошқа жойга кўчиб ўтди. Борган жойимизда уй солиш учун имконият ва вақт етмаганлиги учун 2 йил давомида ертўлада яшашга мажбур бўлганмиз. Уруш тамом бўлиб, отам қайтиб келганидан кейин у қурган уйга кўчиб ўтганмиз.

Мудҳиш хотиралар ҳақида сўзлаш ҳар қандай кишига оғир. Шу жумладан, Раушан аяга ҳам. У барчасига фашизм балоси, уруш сабабчи эканлигини айтиб кўзига ёш олади.

– Урушнинг оти ўчсин. У туфайли ана шундай оғир даврда яшаганмиз, ишлаганмиз. Ҳозир шу ҳақда ўйласам, даврлар эсимга тушса, зиммамизга тушган юмушларни қандай уддалаганмиз, тўғриси, ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Балки, эр-

танги кунга бўлган умид ва ишончимиз мустаҳкамлиги бунга сабабдир. Илоҳим, шундай оғир ва мусибатли кунлар ҳеч қачон қайтиб келмасин.

Раушан аянинг уруш даврида қилган меҳнатлари муносиб баҳоланиб, у собиқ иттифоқнинг «Фидокорона меҳнати учун» медали, «Ғалабанинг 50 йиллиги», «Ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей медаллари, мустақилликдан сўнг, яъни 1994 йили эса «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Раушан Самарканованинг турмуш ўртоғи Қудайберген Мўминов Қорақалпоғистонда ёнғин хавфсизлиги хизматини йўлга қўйишга катта ҳисса қўшган. У 1983 йили «подполковник» унвони билан нафақага чиқади.

Уларнинг уч нафар фарзанди орасида Сабит ота йўлини давом эттириб, айни кунда ички ишлар тизимидан нафақага чиққан бўлса, қизи Жақсубийке бир қанча йиллар вазирликка қарашли мактабгача таълим муассасасида фаолият олиб борган.

Раушан ая 15 набаира ва 8 эваранинг суюкли бувисиди. У бугунги осойишта ва фаровон кунларга шукроналик келтириб умргузаронлик қилмоқда.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Қорақалпоғистон Республикаси.



## ЭРТА ЙЎҚОТИЛГАН БОЛАЛИК

ёхуд уруш йилларининг  
унутилмас армонлари

Сегодня мы, благодарные потомки, низко кланяемся им за беспримерный подвиг, за то, что живем под ясным, мирным небом, строим светлое будущее. Но было бы неверно полагать, что победа ковалась лишь на полях сражений, там, где грохотали артиллерийские орудия, строчили пулеметы, разрывались снаряды, рвались в бой танки, шла пехота. Там, в далеком тылу, вдаль от яростных боев победа рождалась. Разве могли бы мы приблизить этот долгожданный день, не будь у войск продовольствия, обмундирования, вооружения? Разве смогли бы воины одолеть врага без той мощной духовной поддержки, что оказывали им своим творчеством деятели искусств, поэты, писатели, художники, фронтовые бригады артистов? Призыв: «Все для фронта, все для победы!» стал истинным символом беззаветного труда для тех, кто дневал и ночевал у станков, выращивал урожай, шил одежду, производил медикаменты... Измученные недоеданием и недосыпанием дети подставляли под ноги ящики для того, чтобы дотянуться до станка. Это был великий подвиг великого народа!



Были в нашей жизни и общей истории люди, достойные того, чтобы о них слагали легенды, своим великим подвигом и мужеством снискавшие почет и уважение поколений благодарных потомков.

Генерал-майоры – Тилия Абдуллаев и Гафур Рахимов были не только соратниками, посвятившими делу охраны законности и правопорядка всю свою жизнь, они были настоя-

щими верными друзьями, готовыми в любой момент помочь друг другу, подставить крепкое плечо в трудный момент. В годы Второй мировой войны они сделали все, чтобы приблизить долгожданную победу, чтобы воцарился мир на исстрадавшейся и израненной земле. Сухие строки биографий двух прославленных генералов красноречиво свидетельствуют о самоотверженности, целеустремленности людей, так много сделавших для любимой и незабвенной Родины.

Т. Абдуллаев в 1941 году встал в ряды органов внутренних дел, а затем в звании лейтенанта отбыл на Сталинградский фронт. В составе контрразведки с боями прошел огненные дорожки войны, защищал Сталинград, воевал на Курской дуге, освобождал Украину, Польшу, Румынию, Венгрию, Австрию, участвовал в

штурме Берлина и закончил войну в Чехословакии. Боевой офицер после демобилизации продолжил службу в органах внутренних дел. Он возглавлял отделы Ферганского района, города Ферганы, более десяти лет руководил Сырдарьинским областным управлением внутренних дел, а позже – органами внутренних дел Самаркандской области. Генерал-майор

Т. Абдуллаев являлся кавалером многих боевых орденов и медалей.

Гафур Рахимович Рахимов в детстве остался без родителей и еще подростком начал свой трудовой путь. В тяжелые дни войны он, являясь участником тылового фронта, самоотверженно трудился на эвакуированном из зоны боевых действий оборонном заводе «За Родину», где от ученика вырос до мастера. Родина высоко оценила его труд, наградив медалью «За доблестный труд». Более тридцати пяти лет Гафур Рахимович служил в УВД Андижанской области, занимал различные руководящие должности, включая и руководство УВД. С 1979-го он управлял УВД Бухарской области, а в 1985 году его назначили первым заместителем министра внутренних дел Узбекистана. Там, где было трудно, где осложнялась оперативная обстановка, всегда находился Гафур Рахимович. Его труд отмечен множеством наград, он был удостоен звания «Заслуженный юрист Узбекистана».

Многие годы генерал-майор Г. Рахимов возглавлял Совет ветеранов МВД Республики Узбекистан.

...Они были рядом в радости и горе, в моменты сложных и, казалось бы, безвыходных ситуаций, но все преодолевали, благодаря взаимовыручке и крепкой дружбе всегда находили правильное решение. Связанные незримой нитью военных лет, дружбой и глубоким взаимным уважением, два генерала, два товарища прошли славный путь, оставив после себя яркий след в истории Узбекистана и нашей памяти. Накануне великого Дня Памяти и Почестей мы вспоминаем о них и чтим эту священную память...

**Георгий ПЕТРОСЯН,**  
корреспондент «На посту».

## Факты о войне



Во Второй мировой войне в состав войск бывшего Союза входила 28-я резервная армия, в которой тягловой силой для пушек были верблюды. Ее сформировали в Астрахани во время боев под Сталинградом. Нехватка машин и лошадей вынудила выловить в окрестностях диких верблюдов и приручить их. Большинство из 350 животных погибло на поле боя в разных сражениях, а выживших постепенно переводили в хозяйственные части и «демобилизовывали» в зоопарки. Один из верблюдов, по имени Яшка, дошел с солдатами до Берлина.



Обручальные кольца, собранные в концлагерях во время Второй мировой войны (1945 г.)



Групповое фото команды британского линкора «Худ». 24 мая 1941 года после боя с немецким линкором «Бисмарк». Из почти полутора тысяч членов экипажа выживут лишь трое.

24 апреля 1945 года, на четвертый день после оккупации города Нюрнберга американскими войсками, перед главной трибуной Третьего Рейха, на поле Цепелина был проведен военный парад победителей. «Гвоздем» состоявшегося торжества было произведенное путем взрыва уничтожение скульптурного изображение свастики, венчавшей фасад центрального здания «трибуны Фюрера».



☐ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# Аждодлар жасорати – мангу барҳаёт



Мамадали Топиволдиев



Зебо Ғаниева



Кўчқор Турдиев



Зиямат Хусанов

**Т**арих гувоҳ: юрт озодлиги, халқ фаровонлиги, авлодлар келажаги йўлида бемисл жасорат кўрсатган кўллаб ватанпарвар аждодларимиз яшаб ўтишган. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг мард ўғлонлари душман билан мардонавор курашиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳамюртларимиз урушнинг илк жанглиридаёқ мисли кўрилмаган жасорат кўрсатишган. Масалан, собиқ иттифоқнинг чегара ҳудудида жойлашган Брест қалъаси мудофаасида қатнашган элликдан ортиқ миллат вакиллари орасида ватандошларимиз **Дониёр Абдуллаев, Бобохалил Кашанов, Аҳмад Алиев, Нуриддин Сиддиқов, Узоқ Ўтаевлар** ҳам бор эди. Улар сафдошлари билан елкама-елка туриб, душманинг катта кучига қарши қарийб бир ой мобайнида, охири нафаси қолгунича жанг қилдилар.

Шунингдек, Москва шаҳри фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиш учун 1941 йилнинг 30 сентябридан 5 декабригача давом этган жангларда ҳам ўзбек ўғлонлари муносиб иштирок

этди. 316-ўқчи дивизиядаги 180 нафардан ортиқ ватандошларимиз мудофаа жанглирида ўзига хос жасорат кўрсатиб, ҳарбий ҳаракатлар пайтида душманинг минглаб аскарларини, 114 та танки, 5 та самолёти ва бошқа кўллаб техникаларини йўқ қилди. Эътиборлиси, ушбу жангларда ўзбек халқининг довурак қизлари ҳам мардонавор жанг олиб бордилар. Аиниқса, улар орасида **Зебо Ғаниев**нинг жасоратини алоҳида таъкидлаш лозим. У мудофаа ҳаракатлари давомида 28 нафар душманни ер тишлатди. Моҳир мерган ана шундай маҳорати учун «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланган. Шу билан бирга, Москва шаҳрини мудофаа қилишда кўрсатган жасорати учун ҳамюртларимиздан 1753 нафари «Москва мудофааси учун» махсус медали билан тақдирланган.

Ўзбекистонлик жангчилар бошқа кўллаб жангларда ҳам унутилмас қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Партизан отряди разведкачиси, кўркмас жангчи **Мамадали Топиволдиев**нинг номи бутун Беларуссияда машҳур бўлди. У фашист газандаларининг

67 нафар зобит ва аскарини йўқ қилишга эришди. Шу билан бирга, 180 нафар душманни асирга олди. Беларуссиянинг Писарева қишлоғи халқимизнинг жасур ўғлони номига «Тополдиевка» деб аталиши ҳам ватандошимиз жасоратига берилган юксак эҳтиромдир.

Ўзбекнинг яна бир жасур ўғлони **Кўчқор Турдиев**нинг Жанубий-ғарбий фронтдаги қаҳрамонликлари тилларда дoston бўлиб, бутун фронт бўйлаб ёйилган эди. У 1941 йилнинг 25 октябрида сафдошлари билан биргаликда аввалига разведкага, кейин эса, душманларни асир олишга юборилади. Отишма пайтида барча сафдошлари ҳалок бўлган, Қ.Турдиевнинг ўзи душманинг 9 аскарини ер тишлатиб, 3 нафарини асир олишга муваффақ бўлди. Ушбу жасорати учун юртдошимиз ўзбекистонлик жангчилар орасида биринчи бўлиб «Қаҳрамон» унвонига сазовор бўлди.

Ўзига хос ибрат намунасига айланган юртдошларимиз уруш йилларида дунёнинг кўллаб мамлакатларида ўз жасоратлари билан инсоният

бошига тушган балони бартираф этишга улкан ҳисса қўшдилар. 1944 йилнинг 25 май куни 28 нафар ўзбекистонлик легиончилар Югославияда ҳаракат қилаётган болгар аскарлари батальонидаги жангларда иштирок этишди. Улар орасида тошкентлик **Зиямат Хусанов**нинг жасорати ибратга лойиқ. Чунки 1941 йили Смоленск шаҳрида ярадор бўлган ўзбек ўғлони тезда соғайиб, сафга қайтди ва 1943 йилнинг 5 июлида 228-ўқчи полки сафида қаҳрамонларча жанг қилиб, яна оғир яраланади. Ҳатто курулдошлари уни ҳалок бўлди деб, уйига бу ҳақда хабар ҳам жўнатишади. Аммо у тирик қолиб, душманга асир тушади. Бироқ уни кейинроқ «Туркистон легиони»га киритиб юборишади. Лекин З. Хусанов ўз сафдошлари билан душманлардан қочишга муваффақ бўлиб, Приеполье шаҳрида фашистларга қарши жанг қилиб, уларга қақшатқич зарбалар беради ва ўзи ҳам оғир яраланади. Италиядаги ҳарбий касалхонада даволаниб, тўрт марта операцияни бошидан кечиради. Шундан сўнг соғайгач, ўз юртига қайтиб келади.

Иккинчи жаҳон урушида мамлакатимиз аҳолисининг 22 фоизи жангларда қатнашди. Агар ўша пайтда юртимиз аҳолисининг ярмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этганини ҳисобга олсак, унда меҳнатга яроқли бўлган аҳолининг 40–42 фоизи фронтда жанг қилгани маълум бўлади.

1939–1945 йилларда Ўзбекистондан фронтга тахминан 1,5 миллион киши жалб қилинган. Жанггоҳларда ҳалок бўлган юртдошларимиз сони ярим миллиондан зиёд, бедарак кетганлар эса, 187 минг нафарга яқини ташкил этади. 433000 га яқин киши меҳнат fronti иштирокчисига айланган.

Аждодларимизнинг юксак жасорати ва матонати – мангу барҳаёт. Уларнинг сўнмас хотираларини ёдга олиш эса барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, бугунги ёш авлод қалбига ана шундай жасорат намуналарини сингдириш юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатишга қодир ёшларни камол топтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Асроржон САТТОРОВ,  
капитан,  
Михли САФАРОВ,  
«Postda» мухбири.



## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ: РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

Ўзбек халқи жангга кетган турли миллат вакиллари оилаларидан ҳам моддий ёрдами аямади. Минглаб болалар Болалар уйларида жойлаштирилди. Давлат томонидан берилган ёрдам етарли бўлмагани учун ўзбек халқи уларни иқтисодий жиҳатдан кўллаб-қувватлаб турди. Ўзбекистон 113 та ҳарбий касалхона — госпитални ҳам оталиққа олди.

1943 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 24 миллион сўм нақд пул, 300 мингта кийим-кечак, 50 минг бош қорамол, 40 минг центнер галла, 20 минг центнердан ошқ саззавот берилди.



Жахон тарихида машхур давлат арбоблари ва ҳарбий саркардалар кўп ўтган. Аммо уларнинг олд рўйхатида ҳақли равишда соҳибқирон Амир Темури бобомиз туради.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ САҢЪАТИ

Амир Темури ўз даврининг машхур баҳодирларидан қиличбозлик, найзабозлик, гурзи ўйнатиш ва мерганлик кабиларни чуқур ўрганди. Натижада мохир чавандоз, мард ва жасур жангчи бўлиб етишди. Соҳибқирон ҳаётнинг оғир синовларидан ўтди. Пулатдек чархланди, сиёсат ва ҳарб соҳасида катта тажриба орттирди. Бу тажрибалар 1370 йил ҳокимиятни қўлга киритганидан сўнг салтанатни адолат билан бошқаришда янада асқатди. «Куч адолатда» шиорини давлат бошқарувига асос қилиб олди. Адолат тантанаси учун кураш унинг олий мақсади бўлди.

Амир Темури салтанат пойтахти Самарқандда фаолиятини бошлади экан, тоғдек муаммолар – сиёсий-иқтисодий, маданий соҳаларда ўз ечимини кутарди. Мамлакат ичида айрим бек ва амирлар Темурибекни ағдариб, тахтни эгаллаш пайида эди. Бу ҳар қандай темир иродали ҳукмдорни ҳам руҳий тушқунликка тушириши мумкин. Бироқ Амир



Темури ҳукмдор сифатида муаммоларнинг барчасига ечим топди: адолатни ўзига эш билган ҳукмдорни халқ қўлади.

Бу жиҳатдан исломий ахлоқ ва маънавият булогидан баҳраманд бўлиб ўсган, даврининг энг буюк инсони Мир Саид Баракани ўзига пири комил устоз тутди ва буюк зафарларни шу улуг зот номи билан боғлади, ҳурмат-иззатини ўрнига қўйди.

Амир Темури салтанат хавфсизлиги ва эл-улус тинчлигини сақлашнинг асосий гарови,

қудратли ва енгилмас қўшин тузиш эканлигини чуқур англади. Чунки мамлакатнинг мағрибу машрик, шимолу жанубида турли салтанатлар ёш Амир Темури давлатини йўқ қилиш каби ғаразли мақсадларини амалга оширишга қасд қилаётган эди. Айниқса, шимолу шарқ томондан мўғуллар кетма-кет ҳужумлар уюштири бошлади. Шимолу-ғарбдан эса ғоят қудратли Олтин Ўрда хони Тўхтамышхон босқинчилик ҳаракатларини кучайтирди.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Инсон учун Ватандан азиз муқаддас замин йўқ дунёда. Киши унинг қадрини ўзга юртларда тўлақонли ҳис этади, дейишади. Аслида, ўз юртига меҳр қўйиб, унинг тупроғини кўзга суртиб, суви ва ҳавосидан баҳра олиб, бетакорр табиғатига маҳлиё бўлиб, ободлигидан фахрора тўлиб яшаган инсонгина бахтлидир. Инчунун, барчамиз учун Ўзбекистон – муқаддас дийёр.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган дастурий ғояга асосланган ҳолда сўнгги уч йилда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида ўзгараётган, янгиланаётган Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва маъқеи тобора мустаҳкамланиб, халқнинг турмуш даражаси яхшиланиб, давлатга ҳамда эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Албатта, ҳар қандай натижа ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бундай ижобий ўзгаришларга, аввало, Президентимизнинг сиёсий иродаси ва жасорати, қолаверса, ҳар томонлама пухта ўйланган ва халқ манфаатига хизмат қиладиган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ҳамда заҳматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати туфайли эришилмоқда.

Бугун Ўзбекистон мутлақо янгича қиёфа касб этиб бораётир. Ҳар жабҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, кўр-кўрона ва шошма-шошарлик билан эмас, балки ҳар томонлама ўйланиб, чуқур таҳлил қилинган ҳолда қарорлар қабул қилинмоқда. Бундай узоқни кўзлаб қилинган қарорларда аниқ мақсадларга босқичма-босқич ва қадамба-қадам эришиш назарда тутилмоқда.

## МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИ – БЕБАҲО МЕРОС

Дунё тамаддунининг тамал тошини қўйган буюк мутафаккирларимизнинг адабий, маънавий-маърифий ва маданий мероси шунчалек бемислки, уларни бирон-бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Фиқҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Абу Мансур Мотуридий ана шундай бебаҳо мерос қолдирган беназир аждодларимиздан биридир.

**ДАҲОНИНГ ТУҒИЛИШИ**  
Ўтмишда ўтган ақсар алломуларимиз каби, тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлган буюк тафаккур соҳибининг таваллуд санаси маълум эмас. Қизиги шундаки, ислом оламида таълимоти кенг тарқалган, калом мактабларидан бирига асос солган олимнинг ҳаёти ва фаолияти, хусусан, мотуридия таълимоти ҳақида ёзганларнинг бирортаси ҳам у зоти бобарокотнинг таваллуд санаси ёки қандай таҳсил олгани ва кимдан таъсилланганини тилга олмаган.

«Мотуридия» номли асарда келтирилишича, доктор Муҳаммад Айюб Али тахминига кўра, Мотуридий милодий 870 йилда таваллуд топган.

Мазкур эҳтимолнинг сабаби унинг устози Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий вафоти санасига алоқадордир. Чунки у 880 йили вафот этган бўлиб, бу даврда Мотуридий 10 ёшдан кичик бўлиши эҳтимолдан узоқдир.

Яна бир ажабланидиган жиҳат шундаки, Мотуридий туғилиб ўсган заминдан бир гуруҳ фозиллару олимлар етишиб чиққанлигини эътироф этган ўрта аср олимлари негандир илмга рағбати, динга кўрсатган кўмаги, ақидани ҳимоя қилишдаги улуг ўрни ва қудра-

тини кўрсатиб турадиган «тўғри йўл имоми», «мутақаллимлар етакчиси» ва «суннийлар раиси» каби бир қанча нисбалар билан танилган мутафаккирни эътибордан тушириб қолдиришдади. Бунга эса олим туғилган заминнинг Ислом ўлкаларининг турли нуқталаридан кўплаб илм аҳли тўпланадиган халифалик марказларидан узоқ бўлганлиги, Мотуридийнинг ислом оламидаги илмий марказлар ҳисобланган Макка, Мадина, Бағдод ва Дамашқ каби шаҳарларга бормаганлиги ва у ердаги алломулар билан учрашиб улар билан музокаралар олиб бормаганлиги кабилар сабаб бўлган.



## ОИЛА ИНСТИТУТИ – ОЛИЙ ТАРБИЯ МАКТАБИ

Маълумки, таълим-тарбия ишлари ҳар қандай жамиятда миллат, давлат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланган. Тарбия

Оила – жамиятнинг бош бўғини. Инсонда илк маънавиятни шакллантирадиган ҳаёт мактаби. Чунки оилада наслимиз давомчи-

ишларига эътибор бермаган жамият, миллат, оила оқибатда маънавий қашшоқлашиб боравериши ҳаётда ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Мустақил Ватанимиз келажак кўп жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга бог-

лари бўлган фарзанд аталмиш бебаҳо неъмат улғаяди, шаклланади ва камол учун аждодларимизнинг меросини таълим-тарбияга оид тарихий бой тажрибаларини ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия масалалари барча давр учун бирдек аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб, аждодларимиз ўз асарларида оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратганликларига гувоҳ бўлаемиз.

Ҳар бир ота-она ифтихор билан: «Биринчи фарзандим туғилган кун – менинг биринчи педагогик иш куним» дейишга тайёр туриши керак. Аввало, бу ҳар биримизнинг конституциявий бурчимиз.



## МАЪНАВИЯТ – ТАРБИЯНИНГ ЧУҚУР ИЛДИЗИ

Маънавият ҳақида оммавий ахборот воситаларида турли туман мақолалар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар берилмоқда. Бу ҳақда мутахассислар ва журналистлар томонидан жуда кўп гапириляпти, кўп ёзиляпти. Чунки маънавият ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта эътибор қаратилди.

Кишининг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, асрлар мобайнида ёш авлодга инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва бағрикенглик каби умуминсоний фазилатларни ҳар томонлама чуқур сингдириб келган.

Инсон ва унинг маънавий камолоти учун шарт-шароитлар яратиш бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий мақсадини ташкил этади. Халқимизнинг бой маънавий-интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар, иқтисодиёт, фан, маданият ва замонавий технологиялар ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Маънавият – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими. Инсоннинг маънавият ва уни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чекиндир. Маънавият инсоннинг ўзлигини, руҳий олами ва фаҳм-фаросатини акс эттиради, шунингдек, яхшиликни ёмонликдан, адолатни разиликдан, оқилликни жоҳилликдан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади. Маънавиятни шакллантирувчи омишлар хилма-хил бўлиб, уни одам умри давомида эгаллаб боради. Бола, даставвал, оилада ота-онасидан эшитган, кўрган-билганларига амал қилса, сўнгра боғча, мактаб, лицейларда мураббий ва ўқитувчилар кўмагида ўзининг маънавий дунёсини ривожлантира боради.

Маънавият ва маърифат дарсларининг тўлиқ матни билан postda.uz сайти ҳамда <https://t.me/postdarsmiy> телеграм каналимизда танишингиз мумкин.



К 75-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

# «ОТЕЦ ЖИВЕТ В МОЕМ СЕРДЦЕ»



## ВОСПОМИНАНИЯ

Мой отец, Владимир Абрамович Клейман, родился в 1898 году в г. Кипинево. В 1903 году семья переехала в Одессу. После окончания гимназии отец учился в Одесском университете. После работал учителем немецкого языка в одной из школ. Женился, в молодой семье росла дочка, которую назвали Татьяна.

Когда началась Вторая мировая война, отца призвали в армию. Первое время он служил военным корреспондентом газеты «Черноморский летчик». Много раз ему приходилось выезжать на передовую, беседовать с бойцами, писать о них статьи. Когда Одессу сдали врагу, там осталась семья отца. О судьбе жены и дочери он ничего не знал.

В конце 1941 года отца назначили военным переводчиком. Часто, находясь на передовой, он допрашивал пленных немцев, которые первые месяцы войны вели себя нагло, но впоследствии стали более сговорчивыми. Стараясь сохранить свою жизнь, они «сдавали» номера частей, их расположение и вооружение.

Отец не любил рассказывать о войне, а когда вспоминал годы лихолетья, на его глаза наворачивались слезы.

Демобилизовался отец в 1946 году в звании капитана. Вернулся в

родную Одессу. На месте, где стоял его дом, зияла громадная воронка от бомбы. Отец стал искать свою семью. После долгих поисков ему удалось узнать, что многие жители Одессы были эвакуированы в Таджикистан и Узбекистан.

Владимир Абрамович отправился в Таджикистан. Для того чтобы добраться до Душанбе, ему понадобился целый месяц. Ехал в товарных вагонах, на попутках. В Душанбе он обратился за помощью в эвакуационный отдел. Несколько недель ждал результата. Но в списках эвакуированных его семья не нашлась. Из Душанбе он отправился в небольшой город Таджикистана, Курган-Тюбе. Но и там не нашел жену и дочь. Чтобы заработать деньги на дальнейшие поиски, отец устроился учителем немецкого языка в школу.

В 1950 году Владимир Абрамович приехал в Андижан. Он потерял всякую надежду найти семью, ведь прошло столько лет, а никаких известий о его семье не было.

В Андижане он познакомился с моей мамой, Анастасией Антоновной Гигиной. Отцу тогда было уже 52 года. Несмотря на разницу в возрасте, почти в 25 лет, они поженились. Отец работал инспектором Андижанского областного отдела образования, мама занималась воспитанием детей. Мария родилась в 1951 году, Лёва – в 1952-м, а ваш покорный слуга – в 1956 году.

В 1955 году отца назначили заместителем директора школы № 1 Кургантепинского района Андижанской области. До выхода на заслуженный отдых он трудился в этой должности и преподавал немецкий язык в вечерней школе.

Владимир Абрамович Клейман скончался в 1976 году. Его прах похоронен в городе Кургантепа, на кладбище «Дустлик».

## СЕМЬЯ НАШЛАСЬ СПУСТЯ ТРИДЦАТЬ ЛЕТ

В 1984 году, работая в Кургантепинской районной газете «Юкори хосил» фотокорреспондентом, я

получил путевку в санаторий, расположенный в Одессе.

Прибыв туда, на следующий же день обратился в справочное бюро с просьбой найти первую супругу моего отца и его дочь Таню. Через несколько минут у меня в руках был клочок бумаги с номером телефона и их адресом. Я сразу же позвонил им из телефона-автомата. Пришлось долго объяснять, кто я такой. Наконец Таня пригласила меня в гости.

Дверь открыла женщина лет 65-70. Я понял, что это моя сводная сестра. Первая супруга отца была уже глубокой старушкой и смотрела на меня с подозрением.

За чашкой чая разговорились.

По словам Татьяны Владимировны, они прожили два года в эвакуации в Душанбе. Когда Одессу освободили от оккупантов, вернулись в родной город.

– Первое время жили в одесских катакомбах, – рассказала Татьяна Владимировна. – Потом снимали жилье на окраине города. Когда я вышла замуж за Георгия Голденберга, ему, как специалисту-инженеру, выделили квартиру в новом доме. У нас родился мальчик, в честь своего отца я назвала его Володей. К сожалению, с Георгием Голденбергом мы прожили недолго, он скончался в 1963 году от болезни.

Я думала, что отец погиб на фронте, пробовала его искать, писала в военные архивы, но не получила положительного ответа...

Потом наступила моя очередь рассказывать об отце. Я поведала сестре о том, что он был военным корреспондентом, переводчиком, после войны долгие годы искал свою семью в Таджикистане и Узбекистане. Слушая меня, Татьяна Владимировна плакала...

Я пробыл в Одессе больше 20 дней. Каждый день мы встречались с Татьяной Владимировной. Она вспоминала отца, говорила, как скучала по нему, просила меня рассказать о нем снова и снова...

После этой встречи мы долго переписывались, но потом она перестала отвечать на письма...

Пока память жива в наших сердцах, наши близкие и родные будут жить, они всегда будут рядом с нами. Вечная им память...

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».

Единственная сохранившаяся фотография отца из семейного архива.

Андижанская область.



# «Горжусь его сильным характером»

Мой прадедущка, Александр Петрович Алесич, родился 9 сентября 1915 г. в деревне Букчи Гомельской области Республики Беларусь.

В 16 лет он поступил в Чугуевское военно-летное училище, выучился на военного летчика. Потом его перевели в Ашхабад (Туркменистан).

В 1938 году прадед участвовал в финской войне. В 1942 году его самолет сбили, и он долго лечился в госпитале.

Вместе с прабабушкой в 1943 году он приехал в Самарканд, куда его направили преподавать в летной школе. После войны они переехали в Ташкент и ра-

ботали на заводе имени Чкалова. Умер мой прадедущка в январе 2003 года.

Я горжусь своим прадедом, его сильным характером и нестигаемым духом. Ведь даже после крушения самолета его страсть к небу не прошла. Получив серьезную травму, он не сдался, встал на ноги и начал преподавать молодым летчикам, которые, окончив летные курсы, в буквальном смысле слова улетали на войну.

Он так и остался в нашей памяти человеком с сильным духом, стойким характером и безграничной любовью к своей профессии!

Я очень благодарна своему прадеду, Александру Петровичу Алесич, и всем тем, кто отдал свои жизни, защищая Родину. Благодаря им, над нашей головой синее чистое небо, которое рассекают не бомбардировщики, а мирные самолеты!

**Анна АЛЕСИЧ,**  
учащаяся 107-й группы  
1-го Академического лицея  
г. Ташкента МВД  
Республики Узбекистан.





## На войне бывало и такое...

Лежит на траве Аня Кабурова... Наша связистка. Она умирает – пуля попала в сердце. В это время над нами пролетает клин журавлей. Все подняли головы к небу, и она открыла глаза. Посмотрела: «Как жаль, девочки».

Потом помолчала и улыбнулась нам: «Девочки, неужели я умру?»

В это время бежит наш почтальон, наша Клава, она кричит: «Не умирай! Не умирай! Тебе письмо из дома...».

Аня не закрывает глаза, она ждет...

Наша Клава села возле нее, распечатала конверт. Письмо от мамы: «Дорогая моя, любимая доченька...». Возле меня стоит врач, он говорит: «Это – чудо. Чудо! Она живет вопреки всем законам медицины...». Дочитали письмо... И только тогда Аня закрыла глаза...

Мария ВАСИЛЕВСКАЯ, связистка, сержант.



## Штирлица не узнали

Из воспоминаний Вячеслава ТИХОНОВА:  
«...Недавно мне на даче стало плохо с сердцем. Время позднее, врачей рядом нет. Правда, неподалеку военный госпиталь – туда меня родные и привезли. Доктор в приемном отделении заполняет карту: «Фамилия, имя-отчество?». Я говорю: «Тихонов, Вячеслав Васильевич». Он спрашивает дальше: «Воинское звание?». «Штандартенфюрер», – отвечаю. Доктор поднял глаза, взгляделся:

«Ох, извините, не узнал...».



## «ПРЕВРАТИЛИСЬ В БЕЛЫХ ЖУРАВЛЕЙ...»

У магистральной дороги, на въезде в город Чирчик столичной области возвышаются белоснежные стелы. На них – улетающий вдаль клин журавлей. А у подножия стел – скульптура раненой птицы. Устремленная к небу, в прощальном тоскливом крике она делает последний взмах крыла...



Чирчикцы называют монумент Памятником павшим воинам. Он был открыт 8 мая 1972 года.

Столько раз проезжал мимо этого проникновенного, грустного и одновременно величественного мемориала, и каждый раз сердце переполняли непередаваемые словами чувства.

Этот знаковый комплекс, воздвигнутый на узбекской земле, – реквием подвигу солдата. Он посвящен тем, кто не вернулся с огненных фронтов Второй мировой, с полей сражений. Журавли символизируют души погибших воинов, воспетые поэтом Расулом Гамзатовым в бессмертном стихотворении, строки из которого высечены у подножия мемориала:

*Мне кажется порою, что солдаты,  
С кровавых не пришедшие полей,  
Не в землю нашу полегли когда-то,  
А превратились в белых журавлей.*

Монумент в камне и бронзе увековечил память благодарных потомков о героях, является олицетворением воинского подвига и славы.

Во многих уголках мира на мемориалах, воздвигнутых в честь тех, кто шагнул в бессмертие, навечно застыли в полете журавли. Эти величественные птицы, плывущие по небу, окликают всех живущих на Земле, тревожа души, наполняя их высокой и светлой памятью. Они зовут нас к миру, к единению. Прислушаемся к журавлиному крику!

В 1958 году в Парке Мира в японском городе Хиросима была установлена статуя японской девочке Садако Сасаки с бумажным журавликом в руках. На постаменте написано: «Это наш крик. Это наша молитва. Мир во всем мире».



Мемориальный комплекс «Журавли» в парке Победы на Соколовой горе в городе Саратове (Россия). Архитектурная композиция состоит из пяти уровней, символизирующих пять огненных лет войны.

6 октября 1978 года состоялось открытие архитектурно-скульптурной композиции «Журавли» в Кисловодске (Россия). Средства на сооружение памятника собрали жители города. Улетающие в поднебесье журавли и скорбящая фигура матери символизируют вечную память о погибших. На постаменте надпись: «Живущие перед вами в вечном долгу».



США. Штат Калифорния. Западная часть Голливуда в парке Пламмер. Памятник открыт 9 мая 2005 года. Представляет собой треугольную стелу из красного гранита с изображениями журавлей. На ней высечены строки из знаменитого стихотворения Расула Гамзатова «Журавли».

Рафик ЕНИКЕЕВ.



«ЭЗГУЛИК АЛБАТТА ҚАЙТАДИ»

## «ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА ЖИМ ҚАРАБ ТУРОЛМАДИК»

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбариятининг ташаббуси билан бир гуруҳ курсантлар ИИБ Марказий госпиталида кўнгилли равишда қон топширишди.

— Бугунги синовли кунларда, — дейди курсант Салоҳиддин Саидов, — бир гуруҳ кўнгилли курсантлар эзгу ишга қўл урдиқ. Қайсидир беморга фойдамиз тегса, лоақал бир инсоннинг шифо топишига ҳиссамиз қўшилса, биздан бахтли одам йўқ.

— Ички ишлар органларига хизматга кирдимми, халқим учун ҳар қандай фидойиликка тайёрман, — дейди курсант Авазбек Байкулов. — Айниқса, бугунги синовли кунларда бутун халқимиз бирлашиб, бир-бирига ахшилиқ қилишяпти. Ички ишлар органлари ходимлари ҳам ҳар ерда ҳозир у нозир. Шундай пайтда

жим қараб туrolмадим. Қўлимдан келган ёрдамни аямайман.

Дарҳақиқат, бўлажак осойишталик побонларининг бундай хайрли ташаббус билан чиқиши ёшларнинг келажақда халқ учун ёниб, куйиб яшайдиган, касбига муносиб ўғлонлар бўлишига шубҳа йўқлигидан далолатдир.

— Марказий госпиталь ва Республика қон куйиш маркази зарур ҳолларда доимо бир бирига ёрдам беришади, — дейди Марказий госпиталь қон куйиш маркази бошлиғи, майор Олмосжон Қодиров. — Курсантларнинг ҳам бу ёрдамлари қанча беморларга қон куйишга, қанча инсоннинг шифо топишига хизмат қилади. Шундай фидойи ўғлонлар борлиғи халқимизнинг бахти.

Ўз мухбиримиз.  
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

## АХМЕД БОБОНИНГ ҲИЙЛАСИ

1942 йилнинг айна қиш чилласи эди...

Аҳмед уйига келса, опаси йиғлаб ўтирибди. Билдики, бир ҳафта олдин фронтга юборишларини сўраб, ҳарбий комиссариатга хат йўлагани тасдиқланган ва унга ҳам чақирув хати келган. Тўғри-да, қирғинбарот уруш бўлаётган бир пайтда ўзини четга олиш номардлик. Опаси эса ёлғиз укасининг урушга жўнашига қаршилик қилиб келаётган эди. Лекин Аҳмеднинг ўжарлиғи ўз кучини кўрсатди.

Кўп ўтмай ҳали ўн саккизга кириб улгурмаган Аҳмед ўн олти нафар қишлоқдоши қаторида фронтга жўнади. Аҳмед ва унинг бухоролик ҳамюртларига фронтга боргунича қисқа фурсатда артиллерия йўналишида йўл-йўриқ, кўрсатма берилган, тўпларга снаряд жойлаб, отишга шай ҳолатга келтиришни-да ўргатишганди. Қолганини урушнинг ўзи кўрсатади, дейишиди мураббийлари.

Шундай бўлди ҳам. Икки кундан кейин снаряд жойлайдиган тўпчи сафдоши Аҳмеднинг кўз олдида душман бомбасидан парча-парча бўлиб кетди. Гуруҳ командири унга тўпни ишониб топширди.

Сталинград учун бўлаётган жанглар шиддат билан кечарди. Душман танклари яқинлашавергач, аскарлар саросимага туша бошлашди. Шунда Аҳмед Мухсинов гуруҳ командирига пистирма режасини таклиф этди. Режага кўра, бир томон вақтинчалик ўқ отмайди, ярми ўлган ҳолатда, ярми эса қочиб кетган ҳолатда кўрсатилади, у атрофда кўринамасди. Иккинчи томон аёвсиз, тиним билмай ҳужумга ўтиб, душманга



қакшатқич зарба бераверади. Таклиф ўта қалтис эди. Мабодо бу ҳийла иш берса, душман ўзини тузоққа туширарди.

Лекин душман ҳам анойи эмас эди. Аввалига роса ўша томонга ўқ ёғдиришди. Ҳеч қандай садо чиқмагач, аскарлар ўлган ёки саросимага тушиб қочиб кетишган, деган қарорга келишди. Шундан сўнг душман ҳужумга ўтди. Кутилмаган қакшатқич зарбадан фашистлар ваҳимага тушиб қолди. Орқага чекинишнинг йўлини излашди. Бироқ бунинг сираям иложи бўлмади. Шиддатли жанг охирида таслим бўлишди.

Шундай қилиб, Аҳмеднинг ҳийласи иш бериб, тўхтовсиз тўрт ой давом этган урушда фашистлар енгилди, фельдмаршал Паульс асир олинди. Батальоннинг деярли ҳаммаси тақдирланди. Мухсинов илк медалини шу куни олди. Лекин бу жанг у учун катта йўқотиш ҳам бўлди. Ҳамқишлоқларининг аксарияти мардларча ҳалок бўлди.

Сталинград бутунлай озод бўлгач, батальон иккига бўлинди. Бири Бело-

руссияда кечаётган жангга сафарбар қилинган бўлса, иккинчиси Узоқ Шарқ томонга йўналтирилди. Кичик сержант Аҳмед Мухсинов Владивостокдаги денгиз пийёда қўшинлари батальониди ҳарбий хизматни давом эттирди.

Лейтенант Аҳмед Мухсинов 1947 йили она шаҳри Бухорога қайтди.

Урушдан сўнг А. Мухсинов вилоят босмаҳонасида ишлаб, Бухоро педагогика институтининг тарих факультетиди сиртдан ўқиди. Дипломли бўлгач, Ромитан туманининг Челонғу қишлоғиди мақтабда ўқитувчилик қилди. 1969 йилдан эса ички ишлар идоралариди хизмат қила бошлади. Уни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлашди. Ўн беш йил ички ишлар тизимиди самарали меҳнат қилиб, лейтенантликдан майор унвонигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Аҳмед бобо Мухсинов нафақага чиққандан кейин ҳам тиниб-тинчимасди. У маҳалла фаолларига яқиндан ёрдам бериб келди. Айниқса, оила-турмуш доирасиди машмашалар-

га чек қўйишда маҳалла раисига қўлидан келганча кўмаклашди.

— Биз хизмат қилган даврда — хотирлайди Аҳмед бобо, — ходимлар етишмас, муаммолар жуда кўп эди. Мустақиллик шарофати билан ички ишлар органлари ходимлари ҳам замонавий техникалар, алоқа воситалари, уй-жойларга эга бўлишди. Қисқаси, ёшларимизга катта қулайликлар яратилган.

Аҳмед бобонинг Президентимизнинг ғамхўрлиғи, кексаларга кўрсатилаётган эътибор, эъзоз ва муруватдан кўнгли тоғдек кўтарилган. Булар хусусиди тўлиб-тошиб, дилдан суҳбатлашади.

Раҳматли рафиқаси Нарзи ая билан беш қиз ва икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Уларнинг барчаси эл-юрт хизматини шараф деб билган кишилар бўлиб етишди. Невараю чеваралари эллик нафардан ошди.

Аҳмед Мухсиновнинг кўксини урушда кўрсатган жасорати, ички ишлар органларидаги фидокорона хизматлари учун берилган йигирмадан ортқ медал бераган. Улар орасиди яқинда олган «Жасорат» медали алоҳида кўрк бахшлаб турибди.

...Бобо ҳар йили Галаба байрамни бироз эртароқ нишонлайди. Чунки майнинг олтинчи санасиди таваллуд топган. Яқинда тўқсон еттига қадам қўйган Аҳмед бобога узок умр ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз. Юз билан юзлашсин, илоҳим!

Мирзоқул АҲАДОВ,  
«Postda» мухбири.  
Бухоро вилоти.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истезфодаги майор Аҳмед бобо Мухсинов.  
Муаллиф олган сурат.



ИККИНЧИ  
ЖАҲОН УРУШИ:  
РАҚАМЛАР  
СЎЗЛАЙДИ

Ўзбекистон фашизм устидан қозонилган галабага улкан ҳисса қўйган. Чунки, уруш йиллари юртимизга кўчирилган завод ва фабрикаларда ҳарбий техникалар, қурол-яроғлар ва бошқа зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, фронтга жўнатилган.

1942—1945 йилларда Тошкент авиация заводида «ИЛ-2» ҳарбий самолётлари ишлаб чиқарилган. Ушбу заводда кўрсатилган йилларда 2100 та ана шундай самолёт йиғилиб, ҳарбий учувчиларга топширилган. Шунингдек, 2 318 000 донна авиабомба, 17 342 донна авиамотор ва 300 000 донна парашют тайёрланган.

Жамғарилган пул маблағлари ҳисобидан 5 та бронепоезд ишлаб чиқарилган. Ҳарбий-санитария ва ҳаммом-кир ювиш поездлари сони эса 18 тани ташқил этган.

\*\*\*

Урушнинг тўрт йили давомида Ўзбекистон давлатида 4806 000 тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1 066 000 тонна галла, 195 000 тонна шоли, 108 000 тонна картошка, 374 000 тонна сабзавот ва ҳўл мева, 35289 тонна қуруқ мева, 57444 тонна узум, 1 593 000 тонна гўшт, 5 286 000 донна тери тоширғани маълум. Улар ҳам мудофаа эҳтиёжларига сарфланган, албатта.



ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

# ВАТАН – АЗИЗ, МАРДЛИК – АБАДИЙ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, XX аср фожиасига айланган Иккинчи жаҳон уруши олти йил (1939–1945 йиллар) давом этди. Ер юзининг 80 фоиз аҳолиси жойлашган ҳудудни, яъни 61 та мамлакатни ўз домига тортиди. Ҳатто Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларида ҳам жанглар олиб борилди. 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстигини қуритган беаёв уруш аёлларнинг бева, болаларнинг етим қолишига сабаб бўлди. Энг ёмони, у қалбларда битмас жараҳатлар қолдирди.

Ана шундай катта кўлам ва миқёс касб этган машҳур урушда фашизм устидан қозонилган ғалабага кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ҳам улкан ҳисса қўшди. Халқимизнинг 1,5 миллион нафардан ортиқ жасур фарзандлари жанггоҳларда матонат кўрсатиб, душманларга қарши мардларча курашдилар. Уларнинг ярим миллиондан зиёди қақшатқич ва қонли жангларда мардларча ҳалок бўлди, 70 мингдан ортиқ ватандошимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтди. Шунингдек, 187 минг нафарга яқини бедарак йўқолди.

Таъкидлаш жоизки, ҳамюртларимиз жанг майдонларида бемисл жасорат кўрсатди. Масалан, Тошкентда тузилган Собир Раҳимов қўмондонлигидаги дивизия Шарқий Пруссиягача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Жумладан, Польша ерларини озод қилишда алоҳида ажралиб турди. Данциг шахрига биринчилардан бўлиб кирди. Оғир ярадор бўлган С.Раҳимов 1945 йил 25 март куни ҳалок бўлди. 1965 йил 6 майда тарихий ҳақиқат тикланиб, Собир Раҳимовга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди.

Шунингдек, 1943 йилда Орёл-Курск йўналиши бўйича олиб борилган шиддатли жангларда кўрсатган жасоратлари учун А.Шукуров, М.Абдуллин, А.Солихов сингари юртдошларимиз, шунингдек, Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги қаҳрамонликлари учун эса юзга яқин ўзбекистонликлар «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. Улардан Ж.Усмонов, В.Набиев, В.Малясов, Х.Аминовларнинг жасоратларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Умуман олганда, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонликларнинг 301 нафари «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони, 29225 нафари турли даражадаги

жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

Урушнинг ғоят оғир ва суронли йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Бунинг учун халқимиз, етти ёшдан етмиш ёшгача барча «Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!» деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилди.

Маълумотларга қараганда, урушнинг дастлабки даврида собиқ иттифокнинг бошқа ҳудудларидан мамлакатимизга 104 та саноат корхонаси, 30 дан ортиқ ҳарбий госпиталь, ҳар-

ювиш поездлари сони эса 18 тани ташкил этган. Булардан ташқари, фронтга 7 518 800 дона гимнастёрка, 2 861 000 дона ҳарбий этик, 2 636 700 дона пахталик нимча ҳамда шу каби бошқа кўплаб зарур буюм ва анжомлар, қурол-яроғлар, катта миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилганки, бу ғалабага муносиб улуш бўлиб қўшилган.

Халқимиз азалдан муҳтожларга ёрдам қўлини чўзадиган, етим-есирларнинг бошини силайдиган бағрикенг ва ҳимматли халқ. У шубҳазилатини уруш йилларида яна бир бор намоёиш этди. Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатди. Аниқроғи, жанг бўлаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган 1 миллиондан ортиқ кишига бошпана бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрди.

Эътиборли жиҳати, республикага олиб келинганларнинг 200 минг нафари болалар эди.

Уларнинг талай қисмини ўзбек оилалари ўз қарамоғига олдилар, фарзандларидан кам кўрмай тарбияладилар. Масалан, Шомаҳмудовлар оиласи – 14, Самадовлар оиласи – 12, Жўраева ва Ашурхўжаевлар оиласи томонидан 8 нафардан болалар тарбияга олинди, уларга ҳақиқий



инсонпарварлик ва меҳр-шафқат намунаси кўрсатилди.

Халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшганлигини тасдиқловчи яна кўплаб факт ва рақамларни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва меҳнат fronti фахрийларига юксак эҳтиром кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг ҳолидан доимий равишда хабар олинди, ғамхўрлик қилинмоқда. Айниқса, бемисл қаҳрамонлик кўрсатган ота-боболаримизнинг номини абадийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Хабарингиз бор, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Тошкент шаҳрида «Ғалаба боғи» барпо этилмоқда. «Ғалаба боғи» салкам 16 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, у ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат. Биринчи қисм фронтдаги ўзбекистонликларнинг жанговар ҳаётидан лавҳаларни, иккинчи қисм фронт ортидаги республика ҳаётини ўзида акс эттиради.

Аминмизки, мазкур боғ Ватанга садоқат, ўз ҳаётини тинчлик ва озодлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси бўлиб қолади.

Ватан – азиз, жасорат – мангу. Шу маънода, юртдошларимизнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ва фронт ортида кўрсатган юксак матонат ва жасоратлари мангуликка дахлдорки, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқ, номларини ҳар дам ёдда тутмоқ биз учун фарздор.

**Қутбиддин БУРХОНОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг  
Мудофаа ва хавфсизлик  
масалалари қўмитаси  
раиси.







**12 май куни «Postda» ва «Ha postu» газеталари ташкил этилганига 90 йил тўлади. Газеталаримиз учун тарихий ҳисобланган сана олдидан бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган мақолалардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз. Шунингдек, келгуси сонимизда юбилей сана муносабати билан тайёрланган қизиқарли материаллар билан танишишингиз мумкинлигини эслатиб ўтаемиз.**

ИИБ Бирлашган таҳририяти.

## УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

... Фуломжон ўрта мактабни битириб, эндигина меҳнат фаолиятини бошлаганда иккинчи жаҳон уруши бошланди. Оловқалб йигит ҳеч иккиланмай жангга отланди. Оғир жароҳат олгани боис 1944 йилнинг март ойида ҳарбий хизматдан бўшатилди.

– Дадамнинг ички ишлар идораларидаги фаолияти 1945 йилдан, Фарғона вилояти ИИБ Марғилон шаҳар бўлинмаси махсус комендатурасида бошланган, – дейди марҳум генерал-майор Фуломжон Зокировнинг тўнғич фарзанди Тошкентдаги 247-мактаб ўқитувчиси Назирахон Зокирова. – Биз уч фарзанд – мен, синглим Замирахон ва укам Бахтиёржонлар эсимизни таниганимиздан дадамини ҳаммиша ораста ва озода хизмат кийимида кўрганмиз. У кишининг шу даражага етишишларида онажонимнинг хизматлари катта бўлган.

Дадам ишга эрта кетиб, уйга кеч қайтсалар ҳам доимо фарзандларининг саломатлиги, ўқиши билан қизиқардилар. Ҳамиша аъло

ўқишимизни талаб қилиб, уй вази-фаларимизни текшириб, ёдлаган шеърларимиздан завқланардилар. «Болаларим, инсоннинг асосий бойлиги аввало унинг соғлиғи, тинчлиги, қолаверса, танлаган касбини мукамал эгаллаб, ҳалол яшашидир» деб кўп таъкидлар эдилар.

– Дадамнинг панд-насиҳатларига амал қилиб, кам бўлганимиз йўқ, – суҳбатни давом эттирди ИИБ Академияси ички ишлар идоралари офицер кадрларининг малакасини ошириш факультети ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси, подполковник Бахтиёр Зокиров. – У киши мактабда, кейин Тошкент Давлат юридик институтида ўқиб юрган пайтларимда синовлар олдидан: «Имтиҳонни аввал менга, аъло баҳо олсангинга домлаларингга топширасан» дея

қаттиққўллик билан билимларимизни текшириб кўрганлари сира ёдимдан чиқмайди. «Болаларим, камтар бўлинглар. Камтарлик инсонни камолга етказди» дейишлари ҳамон қулоғимда. Ана шу камтарликлари боис Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаб юрганларида

ҳам ота-бола ҳар якшанба куни Олой бозоридан рўзғорга зарур маҳсулотларни сотиб олардик. «Кимсан, Фуломжон Зокировнинг фарзандиман» дея мактабни, манмансираш одати йўқ эди бизда. Чунки дадам «отангининг обрўси, мансаби билан эмас, ўзининг меҳнатинг билан обрў олгин» дер эдилар.

Фарзандлари, шунингдек, қўл остидаги ходимларига бирдек қаттиққўл, шу билан бирга меҳрибон бўлган Фуломжон Зокиров мамлакатимизнинг қайси вилоятида,

қандай лавозимда ишлашдан қатъий назар, ҳалоллиги, ишчанлиги, ҳақиқатгўйлиги билан иззат-ҳурмат топди. Ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилиб, генерал-майор унвонига сазовор бўлган. Фуломжон Зокировнинг меҳнатлари ҳукуватимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўксини ўндан ортик орден-медаллар, кўкрак нишонлари беэба турар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланганди.

Қисқа, лекин мазмунли ҳаётини республикамизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, халқ осойишталигини таъминлашдек улуғ ишга бағишлаган, узоқ йиллар ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган марҳум генерал-майор Фуломжон Зокировнинг ишини айни кунларда кўплаб шогирдлари, фарзандлари, набиралари давом эттирмоқда.

Ҳақиқат ОДИЛОВ.

2002 йил 5 май

### ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ

## «ОФАТ ЁПИРИЛГАН ПАЙТНИ СЎЗ БИЛАН ИФОДАЛАШ ҚИЙИН»

(Давоми.  
Бошланishi 1-бетда)

«Фавқуллода ҳолат! «Сардоба» сув омбори ўпирилибди. Сув сизлар томонга бостириб келяпти. Тез одамларни уйғот, уларни кутқариш керак!», – Отабекнинг миясида ҳозиргина телефонда эшитган шу сўзлар гўжгон айланарди. Ташқарига чиқиб, сув омбори томондан келаётган ваҳимали овозни эшитди. Бу мўр-малаҳдек бостириб, йўлида учраётган ҳар қандай нарсани вайрон қилиб келаётган тошқиннинг овози эди.

Буёғига унинг ҳаракатлари янада тезлашиб кетди. Овоз кучайтиргичда жонҳолатда бақариб, аҳолини уйғотишга ҳаракат қилди. Ташқарига чиққанларни фақат керакли ҳужжатларини олганча хавфсиз жойга қочишга ундади.

Халқимиз беҳиз «Сув балосидан асрасин», демаган. Кўрғонтепа маҳалласига кириб келган офат бир зумда ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қила бошлади. Ҳамма ўзини хавф-

сиз жойга олишга уринар, саросималик авж оларди. Катта лейтенант Отабек Бегматов ва бошқа осойишталик посбонлари, кўнгилилар тўғри келган транспорт воситасига баҳоли қудрат аҳолини жойлаб, сув омборига қарама-қарши томонга, хавфсиз худудга пайдар-пай жўната бошлади. Кимдир яқинини излаб бақарар, яна кимлардир дод солиб йиғларди. Бу маҳалда сув маҳалла худудига анча кириб келган, сония сайин унинг сатҳи кўтарилиб борарди.

Шу пайт сув босган томондан бир фуқаро ёрдам сўраб бақирди. Катта лейтенант Отабек Бегматов уни кўриши билан ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзини сувга олди. Ваҳшат билан ҳамма нарсани домига тортаётган бўтана сув ичидан фуқарони кутқариб олиб чиқишга улгурди. Хиёл ўтмай бошқа томондан боланинг чинқириб йиғла-

гани эшитилди. Отабек ўша томонга ошиқди. Уй ичида кўркувдан дағ-дағ титраётган икки болага кўзи тушди. Улар томон ҳаракатланган пайтда ортидан ёрдам учун келган яна кимнидир кўрди. Улар биргаликда болаларни кўтариб хавфсиз жойга олиб

чиқишди. Ташқарига чиқишганида маҳаллани деярли сув босган, аҳоли транспорт воситаларида хавфсиз жойларга кўчирилганди.

– Халқимиз сув борган жой обод бўлади, дейишади. Лекин қандайдир сабаблар билан унинг халқ бошига қанчалик офат олиб келишини

ҳам ўша куни ўз кўзим билан кўрдим, – дейди шу куни кутқариш ишларида иштирок этган маҳалла фаоли Абдуҳошим Азимов. – Сув балодек ёпирилди. Яхшиям, вақтида ички ишлар органи ходимлари хабар беришди, аҳолини уйғотиб кутқаришди. Бўлма-

са, офатнинг оқибатлари бундан-да аянчли бўларди. Профилактика инспектори, катта лейтенант Отабек Бегматов эса шу куни ҳақиқий ватанпарвар, халқнинг оғир кунига камарбаста ходим эканлигини амалда исботлади. Охирги дақиқагача, аҳоли буткул хавфсиз жойга кетгунича шу ерда турди. Одамларни кутқарди.

– Офат ёпирилган пайтни сўз билан ифодалаш жуда қийин, – дейди катта лейтенант Отабек Бегматов. – Ёпирилиб келаётган пўртанани кўриб, бир-икки дақиқада гўё бутун оламни сув босадигандек тасаввур пайдо бўлар

экан кишида. Бу манзарани кўриб, ҳар қандай жасур киши ҳам саросимага тушиб қолиши турган гап. Мени ҳам ваҳима боса бошлади. Лекин бундай қилишга ҳақим ҳам, вақтим ҳам йўқ эди. Одамларга ёрдам керак эди...

Бугун аҳоли яшаш манзилларига қайтмоқда. Профилактика инспектори, катта лейтенант Отабек Бегматовнинг иши янада кўпайган. У бошқа ҳамкасблари, забардаст халқи билан худудни вайронлардан тозалашга, биноларни тиклашга киришган. Бошқалар қатори у ҳам яқин вақтларда маҳалласи янада кўркам ва обод бўлишига ишонади.

Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб, одамлар яна тинч-фаровон яшай бошлайди. Эл бошига тушган мусибатлар ҳам унут бўлиб, қувончли кунлар, тўю тантаналар бошланади. Фидойи ўғлонларнинг қаҳрамонлиги, кўрсатган жасорати эса асло унутилмайди.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ,  
«Postda» муҳбири.



САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# РЎЗАДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

**Рамазон ойида кўплаб мусулмон юртдошларимиз рўза тутади. Бу жараёнда тўғри таомланиш қоидаларига риоя этиш жуда муҳим ҳисобланади.**

Баъзилар «эртадан рўза», дея бир-икки кун аввал кучли овқатларни меъёридан ортиқ тановул қилиб, гўё бу билан организмда захира йиғиб олишади. Бу тўғри эмас. Бундай йўл тутиш рўзанинг илк кунлариданоқ организмнинг зўриқишига, қийналишига сабаб бўлади.

Яна шунини таъкидлаш лозимки, «Рўзадорман, кўп ҳаракат қилсам, ҳолсизланиб қоламан», деб ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳам нотўғри фикр. Рўздор киши ҳаракатда бўлиши керак, чунки ҳаракат ва очлик саломатлигимизни икки карра мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Камҳаракатлилик эса аста-секин юрак хасталигини келтириб чиқариши мумкин.

Энг муҳими, рўздорда аввало, ишонч кучли бўлиши керак. Оч юришга чидашга ишонсангизгина, барча ички органларингиз эрталабдан кечгача эмаслик ҳолатини тушуниб, шу шароитга мос фаолият юритади. Яъни, сизнинг ишончингиз бутун ички аъзоларга шомгача оч юришга қаратилган сигналдир.

Хўш, рўзадаги саҳарлик қандай бўлиши керак? Саҳарлик дастурхони оқсил ва углеводларга бой таомлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

Сабзавотлар кўшиб тайёрланган турли қуймоқлар,

қайнатилган тухум, шунингдек, сут ва сут маҳсулотлари — қаймоқ, творог, қатик, сметана ҳам жуда фойдали, ҳам қоринни тўқ тутади. Шу боис айрим инсонлар саҳарликда қаймоқ ейишни

ди ва ошқозон фаолиятига жиддий хавф солади. Айтиш жоиз, дудланган маҳсулотлар кун давомида кишини чанқоққа олиши.

Саҳарликда тўйиб овқатлангач, дарров ётиб олиш за-



афзал кўришади. Тайёр гўшт маҳсулотлари — дудланган, консерваланган гўшт маҳсулотлари, колбаса, сосиска кабиларни, ҳамирли таомлар истеъмолини чеклаган маъқул. Негаки, бу маҳсулотлар организмда холестерин ишлаб чиқара-

рарли, бу ҳолат ошқозон-ичак фаолиятини бузади.

Ифтор пайти яқинлашгани сари кўпинча чанқоқ ҳисси қийнади. Дастурхон-

даги егуликлар ҳам кўзига кўринмай, кўпчилик пиёлага газли ичимликларни тўла қуйиб, қониб-қониб ичишга шай туради. Аммо оғиз очгандан сўнг муздек ичимлик, айниқса, газли сувлар билан чанқоқни босиш зарарли. Кун давомида ички аъзолар ўзини ўзи даволаш билан банд бўлади ва ички ҳарорат ис-

тез ҳазм бўладиган ва енгил овқат бўлиши, салатлар, кўкатлар билан бирга истеъмоли қилиниши мақсадга мувофиқ. Овқатдан сўнг, тахминан 30—40 дақиқа ўтгач, яхна ичимликлар, ширинликлар ва мевалардан истеъмоли қилиш мумкин. Кечаси ётишдан олдин эса, тез ҳазм бўладиган мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмоли қилиш фойдалидир.

Таъкидлаш жоизки, рўзани озиш ва бирор натижага эришиш истагида эмас, Аллоҳ розилиги учун тутилишини унутмаслик керак. Саломатлик жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги натижаларга эришиш мумкин: организмдаги саксон фоиз заҳарли моддалар чиқиб кетади. Ошқозонности беши катта ҳажмда ишлайди. Мия никотин моддасидан халос бўлади. Эрта қаришнинг олди олинади. Буйрак тозаланади.

Бутун дунё тиббиёт ва табобат олимлари рўзани минг дардга даво, деб таъкидлашади. Ошқозон касалликлари, бўғинлардаги муаммолар, тузлар, тошлар, қон босими ва бошқа касалликлардан бирваракайига халос бўлишни истасангиз, рўза тутиш пайтида, албатта, имкони борича юқоридаги маслаҳатларга тўлиқ риоя қилинг.

**Феруза ЗОКИРОВА,**  
ИИБ Марказий  
поликлиникаси бошлиғи,  
полковник.

## КИМКИ ЭРТАЛАБ УЧТА ХУРМО ТАНОВУЛ ҚИЛСА...

**Рамазон ойида ифторлик дастурхонининг кўрки, албатта, қуритилган хурмо ҳисобланади. Унинг мазфати, кабқаб, бархи, анбара, ҳадрави каби бир қанча турлари бор. Исломо таълимотида келтирилишича, пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари давомида истеъмоли қиладиган озуқалар ичида айнан хурмо энг машҳури ҳисобланган. Бу борада кўплаб ҳадислар ҳам ривоят қилинган.**

Оша розияллоху анху деди: «Ойдан ояга қараб турардик, Пайгамбар алайҳиссаломнинг уйларида қозон осилмасди, емагимиз фақат хурмо билан сут бўларди. Расулulloху алайҳиссаломнинг ансорий кўшнилари баъзан бизга ичишимиз учун сут келтириб беришарди. Биз шунини ичардик» (Бухорий ривояти). «Саҳиҳайн» китобида Саъд ибн Абу Ваққосдан келтирилган ривоятда эса шундай дейилади: «Пайгамбар соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Кимки эрталаб учта ажва хурмосидан тановул қилса, унга ўша кун заҳар ҳам, сеҳр ҳам таъсир қилмайди».

Хурмо саломатлик борасида ҳам жуда фойдали неъмат ҳисобланади.

Ўқимли ва ширин таъм берадиган углеводларга бой. Қуруқ мева таркибида фоллий кислотаси, шунингдек, РР, В ва А витаминлари, темир, цинк ва магний микдори кўп.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, А витамини болаларнинг ўсиши ва суюқлари мустаҳкам бўлишига ижобий таъсир кўрсатади, кўриш қуввати, эшитиш қобилиятини оширади, асаб тизими фаолиятини яхшилади, қон томирларини юмшатади. Ичак яллиғланиши, ошқозон ярасига шифо бўлади.

Хурмо бошқа меваларга қараганда фосфорга бой. Юз грамм хурмо мевасида қирқ грамм фосфор бор. Бу эса



суяк ва тишнинг бақувват бўлишини таъминлайди.

Рўздор кишининг ифторлик ва саҳарликда хурмо тановул қилиши кун бўйи толиқмаслигига кўмак беради.

Баъзи кишиларга ушбу мевани истеъмоли қилиш учун чеклов мавжуд. Жумладан, қандли диабетга чалинган

кишиларга. Чунки у қондаги шакар миқдорини жуда тез оширади. Қолаверса, юқори калорияга эга бўлгани учун семирish ва ортиқча вазндан азият чекувчи кишиларга ҳам тавсия этилмайди. Шунингдек, тишларида қариеснинг ривожланиши юқори бўлганлар ҳам уни меъёрида истеъмоли қилиши мақсадга мувофиқ.

Қуритилган хурмо мевасининг фойда ва зарарларини ҳисобга олган ҳолда катталар кун давомида 3—5 дона, болалар эса 1—2 дона ейиши етарли ҳисобланади. Қуритилган хурмони бутунлигича ейиш тавсия этилади. Унинг пўстлогини зинҳор арчманг, чунки жуда кўп қимматли моддаларга эга.

**Интернет материаллари асосида А. ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Шавкат Мавляновга волидаи муҳтарамаси

**МАВЖУДА** аяниг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.





НИКТО НЕ ЗАБЫТ

# СЛАВНЫЙ ПУТЬ



Когда началась Вторая мировая война, Шамсутдину было 17 лет. Он окончил 8-й класс и его призвали в армию. Молодых воинов-узбекистанцев отправили в город Горький (Россия), где они несколько месяцев проходили первоначальную подготовку. Рядовой Шамсутдин Солиев в составе пехотного полка, входившего в 4-й Украинский фронт, освобождал города Житомир, Киев. В ходе наступления в сентябре-октябре 1944 года войска фронта во взаимодействии с 1-м Украинским фронтом участвовали в освобождении Закарпатской Украины и части территории Чехословакии, оказали помощь Словацкому восстанию. В январе-феврале 1945 года соединения фронта во взаимодействии с 2-м Украинским фронтом освободили

75 лет прошло с тех пор, как закончилась Вторая мировая война. Тысячи воинов-узбекистанцев сражались с нацизмом, проливали кровь за Победу. Героизм наших отцов и дедов, проявленный на полях сражений, всегда будет служить для подрастающего поколения настоящим уроком мужества.

южные районы Польши, значительную часть Чехословакии, обеспечили наступление войск на варшавско-берлинском направлении. В марте-начале мая 1945 года войска фронта освободили Моравско-Остравский промышленный район Чехословакии, а затем участвовали в окончательном разгроме группировки противника в районе Праги.

После окончания войны подразделение, в котором служил старший сержант Шамсутдин Солиев, было отправлено в Западную Украину. Еще четыре долгих года продолжал службу Шамсутдин. Он был демобилизован в 1949 году.

Когда наш герой вернулся в Асакинский район, ему предложили служить в органах внутренних дел. Опытных сотрудников тогда не хватало, а бывшие фронтовики успешно справились с поставленными задачами. Старший сержант Ш. Солиев был назначен командиром взвода подразделения охраны Асакинского районного отдела внутренних дел. В этой должности он прослужил до 1950 года. Потом его направили на краткосрочные курсы по подготовке специалистов паспортного стола в Ташкент. После окончания курсов младший лейтенант Шамсутдин Солиев несколько лет работал начальником паспортного стола в поселке Аим Кургантепинского района. В 1954 году его назначили опер-

уполномоченным уголовного розыска и отправили служить в Мархаматский район. Капитан Ш. Солиев долгие годы был участковым инспектором в Асакинском районе, последние годы служил начальником комендатуры в поселке Ниязбатыр Асакинского района. На заслуженный отдых Шамсутдин ака вышел в 1973 году.

Недолго сидел без дела бывший фронтовик – он устроился комендантом на птицефабрику. Но тяга к земле не давала ему покоя. Спустя несколько лет Шамсутдин ака занялся земледелием. На своем приусадебном участке он посадил фруктовый сад, разбил

огород. В саду его росли не только фруктовые деревья, но и декоративные растения, саженцы которых он привез в 1961 году из Сочи.

Вместе с супругой, Этиборхон ая, они вырастили восьмерых детей – семь сыновей и одну дочь. В семье Солиевых – двадцать внуков и двадцать два правнука.

Несколько лет назад ветерана не стало. В память о любимом отце, деде, прадеде остался фруктовый сад – подарок ветерана внукам и правнукам. По утрам сад шелестит листвою, словно напоминая слова ветерана: «Люди, берегите мир!»

Соб. корр.

На снимке: ветеран Второй мировой войны и органов внутренних дел капитан в отставке Ш. Солиев.

Фото из семейного архива.

Андижанская область.



Знаменитая фотография Евгения Халдея «Олень Яша». Заполярье, 1941 г.

## «ОТВАЖНЫЙ ВОИН, ЧЕСТНЫЙ ЧЕЛОВЕК»

Воспоминания о подвиге дедов и прадедов – славных защитниках Родины, вставших на пути фашистских захватчиков, – живой родник, питающий нашу память о них.



Среди тех, кто в суровые военные годы сражался в кровопролитных боях на фронтах, приближал Победу, был и мой дед – Мухамаджан Усманович Тумпаров.

Он родился в 1905 году в многодетной семье в Кадошкинском районе Мордовии. Здесь окончил школу, работал, женился. В 1935 году с молодой женой Зухрой прибыл в Кыргызстан – в приграничную с Узбекистаном Джалалабадскую область. В тот период в предгорных районах свирепствовали бандгруппы. Вместе с товарищами Мухамаджан принимал участие в обеспечении мирной жизни населения.

Как только началась война, дед одним из первых был направлен на фронт.

В документах Центрального архива Министерства обороны РФ значится, что красноармеец Тумпаров Мухамаджан Усманович призван на фронт в 1941 году. Он служил стрелком в составе 117-й стрелковой дивизии 4-й Ударной армии. Участвовал в боях на территории Украины в районе Чернигова, на тер-



ритории Беларуси в районе Бобруйска, Гомеля, Светлогорска.

В ходе ожесточенных сражений, происходивших в октябре 1943 года

под Витебском (Беларусь) в районе Меховского у деревни Лопашки, дед получил осколочные ранения и был контужен, после чего его доставили в

госпиталь. По заключению врачей, он не мог больше участвовать в боевых действиях и в начале 1944 года почти оглохший, израненный вернулся домой.

По возвращению руководство района поручило ему ответственный участок – обеспечить бесперебойную работу хлопкопункта, находящегося в село Бурганды, не допускать потерь и хищений хлопка-сырца.

И здесь Мухамаджан Тумпаров проявил свои лучшие качества – самоотверженность, принципиальность. В течение нескольких лет, в том числе и после войны, он возглавлял хлопкопункт, не допуская возгораний хлопка, не позволяя никому разбазаривать сданный государству урожай, за что был награжден правительственной наградой.

«Отважный воин, защищавший Отечество, честный человек». Так отзывались о деде односельчане.

Радик ТУМПАРОВ,  
корреспондент «На посту».

На снимке: Тумпаров Мухамаджан, его супруга – Тумпарова Зухра, их сыновья – Равиль, Фарид и Али (1956 г.).

Фото из семейного архива.



# МИР В БОРЬБЕ С КОРОНАВИРУСОМ

В марте Всемирная организация здравоохранения объявила пандемию. COVID-19 затронул практически всю планету и продолжает оказывать влияние на жизнедеятельность не только государств, но и каждого человека в отдельности.

Принимаются беспрецедентные меры для того, чтобы остановить распространение коронавируса. Различные страны мира находятся на разных этапах карантина. В то время как Китай постепенно восстанавливается после перенесенных испытаний, США и Россия все больше погружаются в омут эпидемии. Умудряются сдерживать натиск азиатские страны. Успешно справляется с COVID-19 Япония, благодаря наличию отличной системы здравоохранения, высокому уровню личной гигиены, соблюдению правил социальной дистанции, а также большому доверию народа своему государству. Хотя, на первый взгляд, Страна восходящего Солнца имеет идеальные условия для распространения заболевания: большое количество пожилых людей, густонаселенные мегаполисы, а из ближайших соседей – Китай, где и произошла вспышка инфекции.

Во многих странах закрываются кинотеатры, рестораны, бары, парикмахерские, салоны красоты, кафе, другие учреждения. Вводится запрет на массовые мероприятия, отменяются спортивные состязания, культурные мероприятия. Образовательные учреждения переходят на дистанционный режим обучения, сотрудников


компаний, по возможности, переводят на удаленную работу.

Власти городов распространяют официальные памятки (инструкции) о том, как избежать распространения коронавируса. В частности, во многих странах без особой нужды не пользуются общественным транспортом, население не посещает места скопления людей, граждане держатся на расстоянии не менее 1,5–2 метров друг от друга.

COVID-19 вынуждает правительства государств устанавливать все новые средства сдерживания, поскольку на сегодняшний день еще нет эффективного лекарства от этого вируса. Единственно оправданный способ предотвращения распространения заразы – введение жестких ограничительных мер.

В США, к примеру, карантинные меры входят в компетенцию как федеральных, так и местных властей. Если человек нарушил обязательную самоизоляцию и заразил других, ему грозит штраф в размере 100 тысяч долларов США или год тюрьмы. В случае летального исхода – штраф в 250 тысяч долларов США или год тюремного заключения.

В Испании за выход из дома без уважительной причины граждане штрафуются на сумму от 600 до 10,4 тысячи евро.



В Италии размер неустойки варьируется от 400 до 3 000 евро. Самое суровое наказание – от 1 до 12 лет тюрьмы – грозит тем, кого с диагнозом «коронавирус» поймали вне дома.

Во Франции первое нарушение карантина обойдется в 135 евро, повторное – в 200 евро, а систематический отказ от следования правилам самоизоляции чреват арестом до шести месяцев и штрафом в размере 3,7 тысячи евро.

За нарушение карантина в Великобритании налагается штраф – 60 фунтов (около 75 долларов США), за повторное нарушение – 120 фунтов, и далее сумма удваивается за каждое последующее нарушение.

Суровое наказание было введено и в Китае. При въезде в страну лица, отказывающиеся пройти меры карантинного контроля или сопротивляющиеся службам санитарного надзора, могут быть оштрафованы на 5 000 юаней (около 700 долларов США).

Однако охваченный пандемией мир начинает понемногу

оправляться от коронавируса и поэтапно выходить из карантина. Основной причиной этого стало резкое ухудшение экономической обстановки. Десятки тысяч предприятий обанкротились, миллионы людей остались без работы. Правительства и международные организации выделяют колоссальные средства на преодоление последствий пандемии.

Одни страны уже отменили ряд ограничений и готовятся к следующему ослаблению, другие только разработали планы выхода из карантина, третьи с 4 мая начали отказываться от ограничений. В Австрии уже возобновили работу торговые центры, жителям Испании и Италии разрешили гулять на улице. Активно взялись за ослабление карантина Греция, Германия, Франция, Литва и Швейцария.

Смягчение карантинных мероприятий в Италии предусматривает восстановление производственной деятельности, открытие парков, возобновление работы строительных компаний и некоторых

оптовых торговцев, но при условии соблюдения протоколов безопасности на рабочем месте. А вот школы будут закрыты вплоть до сентября.

Франция лишь с 11 мая начнет открывать небольшие магазины, станет функционировать общественный транспорт, поэтапно заработают учебные заведения.

Карантин в Германии продлится минимум до 10 мая и вопрос о его продлении будет решен на совещании с федеральным канцлером и руководителями федеральных земель страны.

Наша страна вовремя приняла необходимые меры для того, чтобы предотвратить массовое заражение коронавирусом. Как показывает практика, они оказались эффективными. Ситуация была взята под круглосуточный контроль, в результате чего был поставлен заслон пандемии.

Для стабилизации положения сделано немало, и эта работа продолжается. Коронавирус показал сплоченность нашего общества. Правительство страны повсеместно поддерживает народ: организуются выездные ярмарки, где товары реализуются по сниженным ценам, малоимущим и пенсионерам оказывается помощь продуктами питания и товарами первой необходимости. Граждане с пониманием относятся к проводимым мероприятиям, стараются поддержать друг друга в это непростое время.

Омон  
МУХАМЕДЖАНОВ,  
профессор ТГЮУ.

## РАМАДАН – СВЯЩЕННЫЙ МЕСЯЦ ПОСТА И МОЛИТВ

Наступил долгожданный Рамадан – месяц прощения и очищения от грехов.

Одним из его правил является воздержание от употребления пищи в течение светлого времени суток (от рассвета и до захода Солнца), поэтому нужно заранее продумать рацион питания.

Соблюдение поста приносит пользу для тела и души. Однако халатное отношение к своему здоровью может привести к серьезным проблемам, поэтому рекомендуем со всей серьезностью отнестись к выбору блюд на ифтар и сухур. Особенно важно придерживаться этих рекомендаций в начале поста, когда организм перестраивается на новый режим.

Первое, на что хотелось бы обратить внимание тех, кто соблюдает пост, – старайтесь не пропускать сухур. Он очень важен для организма. От того, насколько правильным и сытным будет сухур, зависит состояние человека на протяжении всего



дня. Постящиеся должны уделять внимание продуктам, богатым протеином, поэтому идеальными для сухура являются: нежирное мясо, яйца, йогурт, творог, молоко и сыры. Важно выпивать достаточное количество воды, которую правильно всего пить порционно между ифтаром и сухуром. Исключите из рациона копчености, колбасы, пряности, а также сладости, так как они могут вызывать

жажду. Лучше завершать прием пищи незадолго до рассвета и не ложиться спать сразу после сухура.

Главное правило ифтара – не переедать, это может очень плохо отразиться на вашем здоровье. После разговения обязательно совершите намаз и только потом приступайте к полноценному приему пищи. Желательно во время поста отказаться от мучных, жирных, жареных и очень острых блюд, отдав

предпочтение овощам, фруктам, нежирным бульонам и медленно перевариваемой пище. С заходом Солнца предпочтительнее съесть финик, если его нет, то выпить воды.

С точки зрения медицины, это наиболее оптимальный процесс выхода из поста. И вот почему. За день, особенно длинный, организм приспособливается к отсутствию пищи, однако рефлексы еще не настолько заторможены, чтобы отторгать еду. Если ежедневно пускать организм на самотек и идти на поводу у его желаний, то можно получить пищевое расстройство по причине переедания. Дело в том, что чувство насыщения «запаздывает» и появляется на 20 минут позже, чем человек реально насытится.

Помните: переедание вредно для здоровья, избегайте его, даже если это будет непростое. Рамадан – это священный месяц поста и молитвы, ни к чему портить его из-за собственной непредусмотрительности.



Марсель Брион

## «Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темури»

Амир Темури ўспирин пайтида Озарбайжон шоири шайх Махмуд Шабестарнинг «Сирлар гулдастаси» китобига мафтун бўлиб қолади. Шоирнинг фойий ва боқий дунёлар ҳақидаги шеърлари унга кучли таъсир қилади. Кейинчалик Озарбайжонни босиб олганда ҳар томонга қочиб кетган Шабестар шаҳри аҳолисининг моли, жони ва шаънига тегмаслигини маълум қилади. Шундан сўнг одамлар уйларига қайтиб келишади.

«Мен Шабестарда 15 ёшдан ошган эркак ва аёлларни ҳисоблаб чиқишни буюрдим. Маълум бўлдики, бу шаҳарда ўн ёшдан ошган 3891 эркак ва аёл истиқомат қилар экан. Мен уларнинг ҳар бирига беш мисқол олтин бериб чиқишни буюрдим, шу тарзда бу шаҳар аҳолисинга ўн саккиз минг беш юз мисқол олтин тарқатилди. Мен ёнимдаги одамларга нима учун Шабестар аҳолисинга олтин тарқатиб ҳиммат кўрсатганимни айтганим йўқ...

«Сирлар гулдастаси» ақлимни ёриштирди, кўплаб чигал масалаларга ечим топиб берди», деб эслайди буюк саркарда.

Амир Темури от устидан найза отиш, камондан ўқ отиш, иккала қўлида ҳам қилич ушлаш, арқон отиб, жанговар имкониятларини ошириш билан бирга, илм ўрганишни ҳам қанда қилмаган. Шунингдек, у илм аҳлини ҳар доим ҳимоя қилиб, уларга юсак эҳтиром кўрсатган ва қадрлаган.

Сиз ҳам, азиз юртдошим, уйда қолиб мазкур асарни мутолаа қилинг. Шунда вақтингиз бесамар кетмайди.

Журналист Феруза РАҲМОНҚУЛОВА тайёрлади.  
Сурхондарё вилояти.



Карантин пайтида француз адиби Марсель Брионнинг «Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темури» асарини ўқиётим, буюк саркардамиз ҳақида ана шундай ажойиб ва қimmatли маълумотларга дуч келдим. Асарда Амир Темурининг олтинга тенг кўплаб фикрлари, ҳаётдан олган хулосалари ҳам ўрин олган бўлиб, улар кишини мушоҳада қилишга ундайди.

## ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

## ШОИР – ҲАЙДОВЧИ

Азим Суюн янги машина сотиб олади. Бир-икки ой мобайнида машина ҳайдашни чала-чулла ўргангач, юрак ютиб рулга ўтиради. Катта йўлга чиққач, орқа ва олдиндан, ён-веридан худди ўзаро қувлашмачоқ ўйнагандай гиз-гиз ўтаётган машиналарни кўргач, кўзи тиниб, ваҳимага тушади. Шоша-пиша машинани бир амаллаб йўл четига олади-ю шу кўйи тўхтаб қолади. Орадан анча вақт ўтса ҳамки нимадандир умидвор бўлиб, атрофга алангалаб қараганча кутиб ўтираверади. Шу маҳал оғайниларидан бири шоирни таниб, тўхтайтиди:

- Ҳа, Азимжон, нима бўлди?
- Ҳеч нарса бўлгани йўқ, кутиб турибман.
- Нимани кутаяпсиз?
- Машиналарнинг ўтиб бўлишини.
- Ие, бу нима деганингиз? Ахир...
- Кўрмаяпсизми машиналарнинг фи-

зиллашини. Бунақада юриб бўладими? Яхшиси ҳаракат тўхташини кутиб тура қоламан. Зарил ишим йўқ.

Шоирнинг «шоир»лигидан завқланган оғайниси кулиб юборади.

## ФАЛАТИ МУХЛИС

Тоҳир Малик Фаргона водийсинга сафар қилганида уни бир таббиркор йигит билан таништиришади:

- «Шайтанат»ни мана шу аканг ёзган, билиб кўй!
- Э шундайми? — таббиркор кутилмаган ташрифдан шошиб қолади. — Ака, сизнинг ашаддий мухлисингизман. «Шайтанат»нинг давоми чиқса, ўзим сотишга ёрдам бераман. Дарвоқе, телефонингизни ёзиб олсам майлими?
- Майли, — ёзувчи шошилмай телефон рақамини айтади.
- Раҳмат, ака! Энди исмингизни ҳам айтсангиз?



— Нима?!  
Ёзувчи ҳамсуҳбатига ҳайрат билан қараб қолади. Мухлис ҳазиллашмаётганди:

— Исмин — Шайтанат! — дейди Тоҳир Малик эгри қозикча эгри тўқмоқ қабилида, ачитибгина.

## ТЕГСА... ЙИҚИЛАДИ

Абдулла Қаҳҳор бир йигилишда хотини қазо қилган кекса, нимжонгина бир шоирни узоқроқдан кўриб, ёнидаги ҳамроҳидан оҳиста сўрайди:  
— Бу шоир ҳали уйланмадими?  
— Йўқ, унга ҳеч ким тегмаяпти.  
— Тегмагани яхши, тегса... йиқилиб кетади.

Шодмон ОТАБЕК.



## БИЗ ЯНА СИЗ БИЛАНМИЗ!

Газетамизнинг азиз ўқувчилари!  
Ўзингизга маълум, коронавирус пандемияси сабаб ИИБ Бирлашган таҳририяти фаолиятини маълум муддат онлайн-режим асосида олиб борди. «Postda – На посту» газетаси қоғоз вариантда чоп этилмаган бўлса-да, унинг postda.uz web-сайти ҳамда <https://t.me/postdarasmiy> телеграм канали орқали ўз ўқувчиларимиз билан доимий алоқада қолдик.



Бугунги кунга келиб, ҳукуратимиз ва азиз халқимизнинг кучли иродаси ўлароқ пандемия ортга чекинмоқда. Шунинг баробарида айрим корхоналар қатори биз ҳам ўз фаолиятимизни давом эттиришга киришдик ва бугун яна дийдорлашиб турибмиз.  
Бундан буён сиз билан мунтазам мулоқотда бўламиз, деган умиддамиз. Борингизга шуқр!

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGIBosh muharrir –  
polkovnik  
Bernora SADIKOVABosh muharrir o'rinbosarlari –  
mayor Azizjon FAYZIYEV  
leytenant Aziza BAHODIROVAMas'ul kotiblar –  
Erkin SATTOROV  
Jahongir SHAROFBOYEVNavbatchilar –  
Foziljon MAMASHARIPOV  
Georgiy PETROSYANSahifalovchilar –  
Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;  
Faks: 71-231-40-05.Obuna masalalari  
bo'yicha:71-231-38-74;  
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat  
hisob raqami  
20210000900447980001  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod  
tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.  
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4132.  
Bosilish – ofset usulida.  
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 908 nusxada chop etildi.  
Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda – 180.  
Tashkilotlar uchun – 366.  
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.  
Bosishga topshirildi – 21.00.  
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.